МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 6 ноябрь. Чоршанба №94-95 (956-957) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

*Кейинги йилларда Олтиариқ туманида сабзавот экинлари билан бирга узумчилик, цитрус мевалар ҳамда писта етиштириш салмоғи янада ошди.*

*«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томорқадан унумли фойдаланаётган миришкорларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида бир қатор ишларни олиб бормоқда.*

*Айни пайтда туман аҳли 3 минг 105 гектар томорқа ерига эга. Шундан 1000 гектарида узум етиштирилмоқда. 300 дан ортиқ янги иссиқхоналар кутилганидан зиёда ҳосил олиш имконини бераётир. Бундан ташқари, «Оқ бўйра», «Файзиобод», «Азимобод» сингари маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида такрорий экин сифатида сабзи, шолғом, турп етиштириш ўзлаштирилган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари уларга сара уруғ ва кўчатлар тарқатиш билан амалий кўмак бермоқда.*

*Юртбошимизнинг 2013 йил 13 мартдаги «2013-2015 йиллар даврида республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Олтиариқ узумчилик мактаби фаолиятининг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳудудда узум етиштириш салмоғи ошиб, «Мерседес», «Эр-1», «Каттақўрғон» сингари серҳосил навлар маҳаллийлаштирилди. Айни кунда соҳибкорлар ғарқ пишган узумларни «термос» усулида сақлашни ўзлаштиришди. Бу эса қиш фаслида ҳам шираси тилни ёрадиган узумларни табиий ҳолда истеъмолга чиқариш имкониятини бермоқда.*

*Ҳалол меҳнат эвазига ишлаб топилган даромадлар ҳисобига оилаларда тотувлик, тўкинлик, хонадонларда файзу бара ҳукмрон. Бир сўз билан айтганда, томорқадан унумли фойдаланиш юрт ободлиги, аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда.*

Мирзараҳмон ЭРГАШЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Олтиариқ тумани бўлинмаси раиси.

ЖАРАЁН

# МУНОСИБ НОМЗОДЛАР ОШКОРАЛИК АСОСИДА ТАНЛАНАДИ

**Сайлов демократиянинг бош мезони, ҳозирги замон ҳуқуқий давлати ва изчил ривожланиб бораётган фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми, халқ иродаси, фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол иштирок этишининг, уларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқларини амалга оширишнинг асосий шаклидир.**




Хабарингиз бор, фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчиларининг ваколат муддати тугаши муносабати билан тегишли қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши қарорига кўра шу йил ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтади.

Бу борада мавжуд қонунчилигимиз янгидан таҳрир қилиниб, бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани, энг аввало, сайловлар орқали йиғин раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига ҳар томонлама муносиб шахсларнинг сайланишини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

> [4]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# КЕНГ ВАКОЛАТЛАР — ФАОЛИЯТ ТАКОМИЛИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.**



Шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуни аввалгисидан мазмундорлиги жиҳати билан анча фарқланади. Хусусан, унинг 10-моддасига мувофиқ, фуқаролар йиғини ўзи тасдиқлаган низом асосида фаолият юритади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатта илова тарзида фуқаролар йиғинининг Намунавий низоми ҳам тасдиқланди.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги Намунавий низом ўн бир боб, 56 банддан иборат. Унда фуқаролар йиғинининг ҳудуди, йиғин ва унинг органлари ваколатлари, фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) чақириш, кенгаш тузиш, раис ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш, шунингдек, фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахсларини сайлаш, тасдиқлаш ва тайинлаш тартиби, асосий фаолият йўналишлари бўйича ҳамда тафтиш комиссияларини тузиш, қайта ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини тугатиш тартиби кўрсатилган. Шунингдек, раис ва унинг маслаҳатчилари, масъул котиб, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг ваколатлари, фуқаролар йиғини фаолиятининг иқтисодий асоси, йиғинни қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш масалалари акс этган.

> [2]

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИ УЧУН



# ДИЛЛАРДА ИФТИХОР, ҚАЛБЛАРДА ҒУРУР

**«Минг отлиқлар эли» дея таърифланадиган туманимиз мустақиллик боис воҳадаги иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий салоҳияти тобора юксалиб бораётган ҳудудлардан бирига айланди.**

Ҳазорасп — ўтмиши бой, келажаги порлоқ гўша. Бу қадим маскан мозийда Буюк карвон йўлидаги энг гавжум савдо марказларидан бири ҳисобланган. Қутлуғ масканда яшаб, мардона меҳнат қилаётганимиз, қўлга киритаётган ютуқларимиз билан фахрланамиз. Тобора чирой очиб бораётган юртимизнинг камоли ва жамолини кузатаётганимизда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқидаги «Мустақилликка эришиш — бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, биз қандай улуғ тарих, маданият ва маънавиятга эга эканлигимизни, ўзлигимизни чуқур англаб, беқиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир» деган эътирофлари беихтиёр хаёлимиздан ўтади.

Истиқлол Ҳазораспга ўзгача чирой, ҳусну тароват бахш этди. Равон йўллар, мустаҳкам кўприклар, бир-биридан чиройли муҳташам иншоотлар, иморатлар, боғлар, гулзору хиёбонлар кўнгилларда ғурур, ифтихор уйғотади. «Хоразм шакар» қўшма корхонаси, «Туямўйин-Урганч» сув қувурлари иншооти, тўқувчилик комбинати, сопол заводи, кўплаб кичик бизнес шохобчалари, оилавий ва хусусий корхоналар, янги даволаш ва дам олиш муассасалари, қурилиш ташкилотлари туманимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига ҳисса қўшмоқда. Улкан бозор, савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли хизматида. Халқимизнинг асрий орзу-ниятлари ушалиб, Юртбошимиз ташаббуси билан Амударё устига қурилган янги темир йўл ва автомобиль ҳаракатини таъминловчи улкан кўприк эса эллар ва дилларни туташтирувчи муҳим восита вазифасини ўтамоқда.

> [3]

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

# ТАРБИЯНИНГ ТАЪСИРЧАН УЧ МУҲИМ БЎҒИНИ




ЎзА сурати.

**Ёшлар тарбиясида ота-она, мактаб ва маҳалланинг ўзаро биргаликдаги фаолияти нечоғли муҳим экани ҳаёт синовидан ўтган ҳақиқат. Буни «оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги асосида эришилаётган натижалар ҳам тасдиқлаб турибди.**

Ёш авлодга замонавий таълим бериш билан бирга, уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида. Ушбу шарафли ва масъулиятли ишларни амалга оширишда бир-бирига чамбарчас боғлиқ уч омил: «оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаётир.

Айни пайтда Жиззах вилоят халқ таълими ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаларида, шаҳар ва туманларда «оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашлари, барча таълим муассасаларида ҳамкорлик кенгашлари фаолият кўрсатмоқда.

> [5]

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ: ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Маҳалла бугун ҳуқуқий ва демократик жамиятимизнинг асосий таянчларидан бирига айланди. У халқчил идора сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифаларини уддалашга қодирлигини амалда исботламоқда.**

Шу боис қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳамда давлат дастурларида фуқаролар йиғинларига масъулиятли вазифалар ишониб топширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2013 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари Дастурига мувофиқ, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар ҳолати Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Жиззах вилоятлари мисолида ўрганиб чиқилди.

Айни пайтда юртимиздаги барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 401 та, Тошкент вилоятида 1165 та, Жиззах вилоятида 306 та фуқаролар йиғини томонидан соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижроси изчил таъминланмоқда. Бу борада уларга «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий тузилмалари ҳам услубий, ҳам амалий кўмаклашаётгани эътирофга молик.

> [4]

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# 6 МИЛЛИОН тоннадан зиёд сабзавот



*Обод турмуш йили деҳқон ва боғбонлар учун баракали келгани улкан ҳосил хирмонларидан аён.*

*Қолаверса, йил бошидан буён 4,9 минг гектар майдонда оддий, 3,3 минг гектарда интенсив усулда янги боғ, 4,8 минг гектар токзорлар яратилди. 5,7 минг гектар майдондаги боғ ва 3,8 минг гектар токзор тикланди. Аҳолининг шахсий томорқа хўжаликларидаги 384 гектар майдонда 22,7 минг гектар янги иссиқхоналар ташкил қилинди.*

*Республикамизда аҳоли озиқ-овқат базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 7,1 тонна бошоқли экинлар хирмони барпо этилди. 6 миллион тоннадан зиёд сабзавот етиштирилгани аҳоли ризқ-рўзининг сарбаландлигидан далолатдир. Халқимиз дастурхонига 1,5 миллион тонна мева етказиб берган боғбонлар бу билан бозорларимиздаги тўкинлик, нархлар барқарорлигига ҳам ҳисса қўшишди.*

*Бундан ташқари, 1,7 миллион тонна картошка, 1,1 миллион тонна полиз экинлари ва қарийб 1 миллион тонна узум етиштирилиши натижасида 1,4 миллион тонна мева-сабзавот қайта ишланди. Бу эса қиш фаслида ҳам хонадонларимиз ободлиги, дастурхонларимиз тўкинлигини таъминлайди.*

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК

# МАРД ЙИГИТЛАР ЮРТНИНГ КЎРКИ, ҚАЛҚОНИДИР



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Улғайиб келаётган авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, улар онгига ватанпарварлик туйғусини сингдириш олий мақсадларимиздан.**

Аскарлик либосини кийиш, она-юрт сарҳадларини қўриқлаш бугун ҳар бир йигитнинг муқаддас ва шарафли бурчига айланди. Бу борада маҳаллаларда мудофаа ишлари ходимлари, ҳарбий хизматга чақирилувчилар, уларнинг ота-оналари ҳамда аскарларнинг оила аъзолари иштирокида учрашувлар ўтказилмоқда.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Ҳарбийлар» маҳалла фуқаролари йиғинида ҳам ана шундай тадбирлар ташкил этиш изчил йўлга қўйилган. Бундай учрашувларда ёшларга Юртбошимизнинг соҳага оид фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти, муддатли ҳарбий хизмат ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат билан боғлиқ тартиб-қоидалар кенг тушунтирилмоқда. Шунингдек, республикамизнинг турли ҳудудларида йигитлик бурчини адо этаётган аскарларнинг оила аъзоларига ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбийларга яратилган шарт-шароитлар, имтиёзлар, соҳада амалга оширилаётганислоҳотлар ҳақида атрофлича маълумот берилаётир.

— Ватанимиз осойишталиги, юртимиз тинчлигини таъминлашга ҳисса қўшиш иштиёқи билан улғаяётган ёшларимизнинг кўпчиликни ташкил этиши кишига ўзгача ғурур бағишлайди, — дейди «Ҳарбийлар» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори Хайрулла Ўктамов. — Маҳалламиз ҳарбий оилалардан ташкил топган. Бу ерда, асосан, шу касбга меҳр қўйган, умрини эл-юрт осойишталигини таъминлашга бағишлаган инсонлар яшайди. Бугун 15 нафар йигит навбатдаги муддатли ҳарбий хизмат ҳамда сафарбарлик чақирув резерви синовларини топширмоқда. Миржалол Аминов, Бобур Жўрабоевлар эса Ўзбекистон Республикаси мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида бўлғуси армия хизматига тайёрланмоқда. Мудофаага кўмаклашувчи марказ, туман чақирув пункти билан ҳамкорликда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган йигитларнинг ота-оналари иштирокида суҳбатлар уюштириб келяпмиз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юксак кўрсаткичларга эришган, муддатли ҳарбий хизматни ўташ чоғида тенгдошларига ибрат бўлган, ватанпарвар ва фидойи ёшларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Бу йигитларнинг нафақат жанговар тайёргарлиги, балки юксак билим ва интеллектуал салоҳиятини янада оширишда, замонавий ахборот технологияларини пухта ўзлаштиришида ҳам муҳим омил бўлмоқда.

— Ҳарбий хизматни ўтаб, олий ўқув юртига ҳужжат топшириш учун имтиёз билан қайтдим, — дейди Сардор Ҳакимов. — Тест синовларини топшириб, Тошкент кимё-технология институтига ўқишга қабул қилиндим. Биз ёшларга берилаётган бундай улкан эътибор ва имтиёзлар масъулиятимизни янада ошириб, ҳар томонлама муносиб инсон бўлишга ундайди.

Бир сўз билан айтганда, «Ҳарбийлар» маҳалласида амалга оширилаётган ишлар замирида мамлакатимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимиз осойишталигини таъминлашдек эзгу мақсадларга ҳисса қўшиш истаги мужассам.

Зебинисо ҲАЙИТОВА
«Mahalla»




## Ҳужумлар давом этмоқда

☑ **Ироқда жангарилар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига ҳужумларни давом эттирмоқда.**



Якшанба куни Баақуба шаҳрида худкушнинг полиция участкаси биносига ҳужуми оқибатида уч нафар ходим ҳалок бўлди. Мамлакат шимоли-ғарбидаги Тал-Афар шаҳрида худкуш кимса портловчи моддалар юкланган автомобиль билан полиция назорат-ўтказиш пунктига ҳужум қилган. Оқибатда икки нафар ҳуқуқ-тартибот ходими нобуд бўлиб, уч нафар йўловчи жароҳатланди.

Мамлакат шимолидаги Мосул шаҳрида жангарилар назорат-ўтказиш пунктини ўққа тутиши асносида ҳам икки нафар аскар ҳаёт билан видолашди. Шунингдек, Бағдод жанубидаги йўл четига ўрнатилган бомбанинг портлаши оқибатида бир нафар зобит ҳалок бўлди.

## Рейтингда пешқадам

☑ **«Forbes» журналининг жорий йилда дунёнинг энг муваффақиятли тадбиркор аёллари рейтингида хитойлик Ву Яхун хоним биринчи ўринни эгаллади.**



У ўзининг «Longfor Properties» девелоперлик (қурилиш жараёнидаги ташкилий иштирокчи) компанияси билан дунёнинг энг бадавлат хонимига айланган.

Бугунги кунда 4,1 млрд. АҚШ доллари билан етакчиликни қўлдан бермаётган 49 ёшли бу аёл бир пайтлар журналист сифатида фаолият кўрсатган. Кейинчалик девелоперлик компаниясига менежер бўлиб ёлланган. 1993 йилдан эса у ўзининг қурилиш соҳасидаги хусусий компаниясига асос солган.

Интернет маълумотлари асосида
Ф.КОМРОН тайёрлади.

«ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ»

# ИБРАТ ВА НАМУНА

## оиладан, ўзимиздан бошланади

**...Дунёда машҳур спортчилар кўп. Аммо битта оиланинг барча аъзолари таниқли спортчи бўлиши камдан-кам ҳолат. Юртимизда эса бундай хонадонлар оз эмас. Улардан бири Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги «Наврўз» маҳалласида умргузаронлик қилиб келаётган Фарҳод Бекназаров оиласидир.**



Ушбу даргоҳда камолга етган Сарвар республикамизнинг энг кучли шахматчиларидан ҳисобланса, Искандар дзюдо бўйича бир неча турнирлар ғолиби, Дилнозага эса стол теннисида тенг келадигани йўқ.

— Бола тарбиясида спортнинг ўрни беқиёс, — дейди спорт усталигига номзод, шахмат мураббийси Ф.Бекназаров. — Шу боис фарзандларимнинг спорт билан шуғулланишларига алоҳида эътибор қаратганман.

Воҳада ушбу спортчилар оиласи ҳақида эшитмаган мухлис йўқ ҳисоби. Негаки, уларнинг ҳар бири ўзлари танлаган спорт тури бўйича бир неча йиллардан буён нуфузли мусобақаларда муносиб қатнашиб, зафар қучиб келишмоқда. Масалан, оила бекаси, жисмоний тарбия ўқитувчиси Дилором Холмўминова ҳам «Тўмарис» аёллар спартакиадасининг республика босқичи ғолиби. Умуман олганда, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигидаги «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» мусобақасининг бу йилги республика босқичида Бекназаровлар оиласи биринчиликни қўлга киритди.

— Фарзанд, аввало, ота-онанинг ҳаракатлари, уларнинг юриш-туришини ўзида такрорлашга интилади, — дейди Д.Холмўминова. — Турмуш ўртоғим ва мен мунтазам спорт билан шуғулланиб келганлигимиз туфайли болаларимиз ҳам ортимиздан эргашди. Бундан фахрланиб, ғурурланиб юраман.

Фарҳод Бекназаров Пўлати шаҳарчасида ташкил этилган шахмат клубига раҳбарлик қилади. «Наврўз» маҳалласининг 30 дан ортиқ ёшлари ақл чархи билан мунтазам шуғулланиб келаётгани Бекназаровлар оиласининг спортда эришаётган ютуқлари таъсиридан, дейиш мумкин.

Оила бошлиғининг айтишича, маҳалла болалари шахмат доналарини суриш баробарида 64 катак доирасидаги мўъжизаларни англаб улғайишмоқда. Шахмат назариясидан берилаётган сабоқ эса, гўё ҳаёт дарсидек болаларни мақсад сари олға интилишга ўргатяпти.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли ўртасида спортни кенг оммалаштириш орқали соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтириш ва келажагимиз эгаларини ҳар жиҳатдан етук инсон сифатида камолга етказишда маҳаллаларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» сингари спорт мусобақаларининг мунтазам ўтказиб келинаётгани маҳаллалардаги ҳақиқий иқтидор эгаларини катта спорт сари етакламоқда, спортни оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Спортчилар оиласи нуфузли халқаро мусобақаларда юрт байроғини янада баланд кўтаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Улар, албатта, эзгу ниятларига эришадилар. Чунки мамлакатимизда ҳар кимнинг ўзи танлаган соҳада истеъдод ва иқтидорини намойиш қилиши учун барча имконият ва шарт-шароит мавжуд.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

## Ҳушёрлик қўл келмокда

**Бектемир ТИИБ ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари олов чиқишига сабаб бўлувчи ҳолатларни аниқлаш ва маҳалла фаоллари билан биргаликда бундай нуқсонларнинг олдини олиш борасида изчил иш олиб бормоқдалар.**

Туман ҳудудида жойлашган 12 та маҳалла аҳли ёш болаларни оловдан эҳтиётлаш, гугурт ўйнашига йўл қўймаслик ва ўзбошимчалик билан газ асбоблари ҳамда электр анжомларидан фойдаланмаслиги хусусида огоҳлантирилди. Биргина ўтган ой давомида 72 маротаба тушунтириш ишлари ўтказилди.

Таъсирчан суҳбатлар орқали аҳоли ва ёш авлод онгига сингдирилган ёнғин хавфсизлиги кўникмалари турли нохуш вазиятларнинг олдини олишда қўл келиши тайин.

Ф.АБДУЛЛАЕВ,
Бектемир ТИИБ ЁХБ катта инспектори, кичик сержант.


ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

(миллий валютада)

«МУСТАҚИЛЛИК — 2013»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«ФАРОВОН ТУРМУШ»

Омонатнинг сақланиш муддати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

(хорижий валютада)

«ИШОНЧЛИ»

(АҚШ долларида)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «АСАКА» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

«Асака» банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.


*Диққат, янги акция!*

## «Mahalla» ҳар бир хонадонга!»

**Ҳурматли юртдошлар!**

**Жорий йилнинг 31 декабрига қадар «Mahalla» ҳар бир хонадонга!» акцияси ўтказилмоқда. Унда қатнашиш учун Сиз газетамизга обуна бўлганингиз тўғрисида қуйидаги купонни тўлдириб, таҳририятимизга почта орқали юборишингиз лозим.**

**Таҳририятта келган купонлар жамланиб, ютуқли лотерея ўтказилади. Унда нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан уч нафар ютуқ эгалари аниқланади. Натижалар газетада эълон қилинади.**

**Ҳар бир ютуқ эгаси 500 000 сўмдан пул мукофоти ёки қимматбаҳо маиший техника буюмлари билан тақдирланади.**

**Ютуқ эгалари газетага йиллик обуна бўлгани тўғрисида муҳр билан тасдиқланган обуна квитанциясини, агар обуна ҳомий ташкилотлар кўмагида уюштирилган бўлса, у ҳолда, банк томонидан бу тўғридаги тўлов-топшириқноманинг аслини кўрсатишлари шарт.**

5-КУПОН

*Исм-шариф:* ____________

*Манзил:* ____________

*Телефон:* ____________

*Обуна бўлинган сана:* ____________

«ОБУНА — 2014»

Газетамизнинг навбатдаги сони 13 ноябрь, чоршанба куни чиқади.


Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89
Котибият: 233-44-25
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: И.Раҳматов
Нашр навбатчиси: Т.Низомов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

18000 нусхада чоп этилди. Буюртма J-8431 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

# КЕНГ ВАКОЛАТЛАР — ФАОЛИЯТ ТАКОМИЛИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



< [1]

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларга ҳамда соҳага тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролар йиғини фаолиятини тартибга солади.

Фуқаролар йиғини ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишда, ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, урф-одат ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда мустақилдир. Шу билан бирга, аҳоли манфаатларини ифодалаши, тегишли ҳудудда амал қиладиган мустақил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгалиги янги таҳрирдаги қонун ҳамда шу асосда ишлаб чиқилиб, тасдиқланган Намунавий низомда қайд этилган.

Фуқаролар йиғинида ўн саккиз ёшга тўлган ва тегишли ҳудудда доимий яшаётган шахслар қатнашади. Фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ёки ўзларининг сайланадиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришда тенг ҳуқуқларга эга.

Авваллари маҳалла фуқаролар йиғинлари, кенгаши, комиссиялари, тафтиш комиссиялари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этган бўлса, янги таҳрирдаги қонунга кўра, эндиликда бутун фуқаролар йиғини, яъни фуқаролар йиғини кенгаши, асосий йўналишлар бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси фуқаролар йиғини органлари ҳисобланади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг намунавий тузилмаси (структураси) ушбу Низомга биноан ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғини давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади. У юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, ўз муҳри ва штампига эга бўлиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда туман(шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида ҳисобга олинади.

Фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олишдан иборат эканлиги ҳам низомда мустаҳкамлаб қўйилган. Демак, янги таҳрирдаги қонун ва Намунавий низом асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари янада бойитилган.

Маҳалланинг тузилиши, бирлаштирилиши, бўлиниши, чегараларининг белгиланиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан амалга оширилар эди. Эндиликда ушбу вазифалар ҳамда маҳаллага ном бериш ва номини ўзгартириш маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилиши Низомда кўрсатилган.

Низомда шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг ваколатлари янги таҳрирдаги қонун талаблари асосида ойдинлаштирилган.

Фуқаролар йиғини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига нодавлат нотижорат ташкилотлари учун назарда тутилган тартибда солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш, фаолияти тўғрисида солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиш, ўз ходимлари билан меҳнат шартномасида келишилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш каби мажбуриятларни бажаради.

Намунавий низомда фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) чақириш, кенгашни шакллантириш тартиблари, ваколатлари, йиғинлар ҳузуридаги асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссияларни тузиш ва уларга раис ва аъзолар сайлаш тартиб-таомиллари аниқ белгилаб берилган. Бинобарин, тегишли ҳудуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб, фуқаролар йиғинида бошқа комиссиялар ҳам тузилиши мумкин. Комиссияга раҳбарлик қилиш фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари томонидан амалга оширилади. Комиссия аъзоларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Раиснинг маслаҳатчилари, қоида тариқасида, фақат битта комиссияга раислик қилиши мумкин.

Тафтиш комиссияси фуқаролар йиғини молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш учун тузилади. Эндиликда тафтиш комиссияси аъзоси фуқаролар йиғинининг бошқа органи аъзоси бўла олмаслиги, айни пайтда, фуқаролар йиғини кенгаши аъзолари, раиси, унинг маслаҳатчилари, масъул котиб, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг аъзолари ушбу комиссия таркибига кириш ҳуқуқига эга эмаслиги ҳам низомда кўрсатилган.

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссиясини тузиш, қайта ташкил этиш ҳамда фаолиятини тугатиш, шунингдек, уларнинг ваколатлари, комиссияларнинг раислари ва аъзоларини сайлаш (таркибдан чиқариш) тартиби комиссияларнинг намунавий низомларида белгилаб қўйилади.

Низомда фуқаролар йиғини органларининг фаолиятини ташкил этишни унинг кенгаши ҳамда фуқаролар йиғини раиси амалга ошириши, раис ҳамда маслаҳатчиларнинг ваколатлари раиснинг тақдими бўйича фуқаролар йиғини томонидан белгиланиши кўрсатилган.

Шунингдек, Низомда фуқаролар йиғини раиси, масъул котиб, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисининг ваколатлари ҳам аниқ кўрсатилди.

Зотан, янги таҳрирдаги қонуннинг 13-моддаси фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатларига бағишланган. Унинг йиғин қарорларини бажариши ва йиғин оралиғидаги даврда фаолият юритиши белгилаб қўйилган.

Низомга кўра, эндиликда кенгаш таркибига йиғин раиси, унинг маслаҳатчилари, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Маҳалла посбони» сардори киради.

Шунингдек, кенгаш ваколатлари қаторига бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар, ёлғиз кекса фуқароларни, пенсионер ва ногиронларни аниқлаш вазифаси ҳам юклатилди.

Фуқаролар йиғинида раис вазифаси муҳим аҳамиятга эга. Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, у нафақат йиғинни чақиради, балки масъул котиб, комиссиялар раислари ва аъзолари номзодини йиғинга тақдим этади. Энг муҳими, раис фуқаролар йиғини ва унинг органлари қарорлари ижросини ташкил этади. Шунингдек, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиши натижасида фуқаронинг муомалага лаёқати чекланган, руҳий касалларни эса муомалага лаёқатсиз, деб топиш тўғрисида судга ариза бериши мумкин.

Низомда фуқаролар йиғини фаолиятининг молиявий асоси, маҳалла фаолларининг моддий таъминоти, фуқаролар йиғини банк ҳисоб-варағидаги молиявий маблағларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил тасарруф этиши, фуқаролар йиғини кенгаши йилнинг ҳар чорагида молиявий маблағлардан қандай мақсадларда фойдаланганлиги ва тасарруф этганлиги тўғрисида фуқаролар йиғинига ҳисобот бериши белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, бугун маҳаллаларда эл манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиб, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётган йиғин фаолларининг меҳнатини янада жонлантириш, улар фаолиятини тизимли йўлга қўйиш орқали улкан натижаларга эришишда фуқаролар йиғини тўғрисида тасдиқланган Намунавий низом муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Учқун МАҲМУДОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси.**

**ЖАРАЁН**

# МУНОСИБ НОМЗОДЛАР ОШКОРАЛИК АСОСИДА ТАНЛАНАДИ



< [1]

Бўлажак фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини қонун талабларига тўла мувофиқ ҳолда, юксак ташкилий ҳуқуқий ҳамда демократик даражада тайёрлаш ва ўтказиш, шунингдек, маҳалла бошқарув органларини шакллантиришда фуқароларнинг фаол иштирок этиши учун шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарори қабул қилиниб, сайловни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланди. Ушбу ҳужжатларда сайловни ташкил этиш, ўтказишнинг мақсад ва вазифалари, устувор йўналишлари, босқичлари белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилди ва ушбу комиссия ҳозирда жойларда ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Ноябрь-декабрь ойларида Наманган вилоятида ҳам жами 872 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 9,5 мингдан ортиқ маслаҳатчилари сайланади. Ушбу жараённи уюшқоқлик билан ташкил этиш ва ўтказиш масаласи халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Шу асосда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 17 кишидан иборат фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилди. Мазкур комиссия томонидан бугунги кунда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида изчил иш олиб борилмоқда. Хусусан, ушбу сиёсий тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар режаси ижросига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Айни пайтда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия аъзолари томонидан шаҳар ва туманларда фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий принциплари, йўналишлари, мақсад ва вазифалари кенг тарғиб қилинмоқда, жойларда семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Бунда фуқаролар йиғинларида ташкил этилган ишчи гуруҳлари, тажрибали ҳуқуқшунослар, зиёлилар кучидан унумли фойдаланмоқдамиз. Аҳолининг ҳуқуқий билимларини янада бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда фаоллигини оширишда маҳаллий оммавий ахборот воситалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганимиз қўл келмоқда.

Сайлов жараёнида иштирокчиларга қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратиш баробарида унинг очиқ ва ошкора, муқобиллик ҳамда тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида ўтишини таъминлаш чоралари ҳам кўрилаётир. Шу боис сайлов ўтказиладиган жойлар аввалдан тайёрланиб, зарур воситалар билан жиҳозланмоқда. Уларнинг атрофида ободонлаштириш ишлари олиб борилябти. Маҳаллалар гузарларига, биноларга сайловга оид турли шиор ва паннолар осилмоқда. Шунингдек, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва янгиликларни фуқароларга етказишда ҳам ташқи тарғибот воситаларидан кенг фойдаланмоқдамиз. Бу ишлардан кўзланган мақсадимиз битта, у ҳам бўлса, муҳим сиёсий жараёнда наманганликларнинг фаол иштироки ва қўллаб-қувватлашини таъминлашдир.

Юртимизда ўтажак сайловларнинг аҳамияти шундаки, бу орқали маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли фуқаролар йиғини раиси лавозимига кўплаб номзодлар орасидан ҳар томонлама муносибини танлаш имкониятига эга бўладилар. Шу орқали фуқароларимиз ўз яшаш ҳудудидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдорлик ҳиссини англайди. Зеро, кучли фуқаролик жамияти қуришнинг асосий мақсад-моҳияти ҳам шундан иборат.

**Пахритдин МАТКАРИМОВ,**
**Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси.**

* * *

**Жиззах шаҳрида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Унда Жиззах шаҳри, Жиззах ва Фориш туманларининг сайловга кўмаклашувчи комиссиялари ҳамда ишчи гуруҳлари аъзолари иштирок этдилар.

Жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган сайловларда вилоятда 306 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 3 минг нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланиши кўзда тутилган. Айни пайтда барча фуқаролар йиғинларида ушбу жараёнга қизғин тайёргарлик давом этмоқда.

Унинг дастлабки босқичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 12 сентябрдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарори асосида вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари сессияларида сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар таркиблари, тадбирлар режалари тасдиқланган эди.

Айни пайтда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари томонидан тузилган бу комиссиялар сайловга тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди. Барча комиссиялар зарур тавсияномалар, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланди.

— Бу йилги сайловлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилади, — деди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси раиси Баҳром Мамажонов. — Негаки, бугун одамларнинг дунёқараши ўзгарди. Улар қонунлардан яхши хабардор. Шу боис сайловларга пухта тайёргарлик кўриб, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига билим ва ҳаётий тажрибага эга, ташкилотчи, ташаббускор, янгича фикрлайдиган, аҳоли ўртасида обрў қозонган кишиларни сайлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён кўмаклашувчи комиссиялар, ишчи гуруҳлари аъзоларидан катта масъулият талаб этади.

Сайловларга саноқли кунлар қолди. Шу муносабат билан тадбирда кўмаклашувчи комиссиялар, ишчи гуруҳларига Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуни талабларини тўлақонли бажариш учун нималарга эътибор қаратишлари кераклиги хусусида тушунчалар берилди.

**Бек НАЗАР**
**«Mahalla»**

**САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИДАН**

# Сайловда муқобиллик

САВОЛ:

*— Қандай ҳолларда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови муқобиллик асосида ўтказилган ҳисобланади?*

Ш.НОРҚОБИЛОВ.
Касби тумани.

ЖАВОБ:

— Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатилган тақдирда сайлов муқобиллик асосида ўтказилган бўлади.

Сайловчилар фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига ўз ишига масъулият билан ёндашувчи, ҳудуд аҳолисини ўз ортидан эргаштира ҳамда бирлаштира оладиган номзодларни танлаш имкониятига эга бўлишлари лозим. Номзодларни танлаш имконияти сайловнинг демократик тамойиллар асосида ўтказилишига шароит яратади.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловининг муқобиллик тамойилига амал қилинмаган, яъни сайловчилар танлаш имкониятига эга бўлмаган, фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига фақат битта номзод кўрсатилган тақдирда бундай сайлов ушбу қонуннинг 27-моддаси иккинчи қисмига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

**«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун асосида тайёрланди.**

**ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ**

# ИЗЧИЛ ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида «Фуқаролик назорати механизмини шакллантириш, очиқлик ва ошкоралик» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини тузиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган мазкур кенгаш Ўзбекистон Қуролли Кучлари ва Мудофаа вазирлиги фаолиятининг очиқ-ошкоралигини, фуқароларнинг мудофаа соҳаси ҳамда ҳарбий йўналишда амалга оширилаётган давлат сиёсатидаги иштирокини таъминлаш, миллий армиямиз ва аҳоли ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ шоири И.Мирзаалиев, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари Н.Муллабоев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг қарорида белгиланган вазифалар асосида амалга оширилаётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Жамоатчилик кенгаши ҳузурида ташкил этилган бешта комиссия мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасига оид давлат сиёсати юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш, ҳарбий хизматчилар, захирага бўшатилган фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, маданий-маърифий, ҳарбий-спорт тадбирларини ташкил этиш каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда.

Жамоатчилик кенгаши томонидан олий ҳарбий таълим муассасалари ва ҳарбий қисмларда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик туйғусини кучайтиришга қаратилган қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Уларда Ватан олдидаги муқаддас бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**«INFOLIB UZBEKISTAN — 2013»**

# Ҳафталик якунланди

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган «Infolib Uzbekistan — 2013» миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ниҳоясига етди.***

Ҳафталик давомида кутубхона бўйлаб экскурсиялар уюштирилди. Шунингдек, маданият ва санъат намояндалари, машҳур ёзувчи-шоирлар, мусаввирлар, режиссёрлар, ёшлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари, кўргазмалар, турли тақдимотлар, умумий ҳисобда 35 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси лойиҳаларининг тақдимот маросимлари ҳам ташкил этилди.

Ҳафталик сўнгида ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари учун ўтказилган семинарда мамлакатимиз ҳудудларидан ташриф буюрган соҳа ходимлари иштирок этди.

Семинарда Миллий кутубхонанинг янги техник лойиҳалари ҳам тақдим этилди. Жумладан, «BePro» дастурчилар маркази вакиллари кутубхоналар учун ихтисослаштирилган «KaDaTa 2.0» дастурий маҳсулотларини намойиш этдилар. Тадбир қатнашчилари Миллий кутубхонанинг илмий ишлар, қўлёзма ва нодир нашрлар маълумотлар базаси, имиж-каталог ташкил этиш, ISBN, ISSN, УДК ва ББК рақамларини бериш бўйича интерфаол дастур, кутубхонадан фойдаланувчилар учун шахсий кабинет, китоб ва даврий нашрлар бўйича статистика ҳисоботини автоматлаштириш дастури каби янги лойиҳалар билан яқиндан таништирилди.

**Мухбиримиз.**

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИ УЧУН

# ДИЛЛАРДА ИФТИХОР, ҚАЛБЛАРДА ҒУРУР



< [1]

Обод турмуш йилида ҳам ҳар жабҳада ўсиш-улғайиш, ривожланиш сари дадил қадам ташланаётир. Саноат, халқ истеъмоли моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, пудрат ишлари, чакана савдо айланмаси, пуллик хизмат кўрсатиш борасида белгиланган режалар бажарилди. Айниқса, маҳаллалардаги кенг миқёсдаги ўзгаришлар дилларни яйратади. Кейинги икки йил ичида маҳаллаларда 24 та гузар, 18 та тўйхона, кўплаб маиший, савдо, тиббий хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб, ишга туширилди. Бу эса бандлик муаммосига ечим топишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги муаммолар Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги қарори асосида ечим топаётгани диққатга сазовор. Туманимизда ҳам тўртта йўналиш бўйича 435,2 минг АҚШ доллари ҳисобида инвестициялар жалб қилиниши эвазига 31 лойиҳа амалга оширилади. Бу эса маҳаллаларда янги иш ўринлари яратилишига, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишига кенг йўл очади.

Қишлоқларда янги лойиҳалар асосида қурилаётган ҳовли-жойларга кўчиб ўтаётган оилалар Президентимизнинг доно сиёсатидан миннатдор. Жумладан, Овшар қишлоғида шундай уйлардан 36 таси фойдаланишга топширилди. Питнак шаҳарчасидаги «Обод» маҳалласида 40 та янги ҳовли-жойда ёш оилалар бениҳоя хурсандчилик билан истиқомат қилмоқдалар. Обод турмуш йили охирига қадар туманимизда бундай кўркам бинолардан яна 50 дан ошиғи фойдаланишга топширилади.

Мамлакатимиз автомобилсозликда етакчи давлатлардан бирига айланаётир. Асака шаҳрининг довруғи бугун дунёга ёйилган. Қувонарлиси, яқин келажакда Ҳазораспда ҳам «Дамас» ишлаб чиқарилади. Ушбу улкан корхонанинг барпо этилаётгани воҳамиз аҳли қувончига қувонч қўшаётир. Бунинг учун умумий қиймати 56 миллион 350 минг АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа ишлари бажарилади. Йилига 40 минг дона автомашина ишлаб чиқариладиган заводда 550 нафар ёш йигит-қиз меҳнат билан банд бўлади. «Навбаҳор» маҳалласида қад ростлаган бу заводда цехларни жиҳозлаш ишлари қизғин тус олган.

Маҳаллаларда оилавий бизнес, хусусий тадбиркорликни янада равнақ топтириш борасида хайрли ишлар бажарилаётир. Эндиликда тадбиркорларимиз энг илғор мамлакатлар андозасида ишлайдиган замонавий дастгоҳ, ускуналар ўрнатилган ўз корхоналарига эга бўлмоқдалар. «Дўстлик» маҳалласида яшайдиган тадбиркор Орзугул Қиличева йилига 100 тонна нон ва 200 тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонани ишга туширмоқда. «Гулшан» маҳалласида Дармонжон Тожиеванинг йилига 2,5 минг дона турли тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехи иш бошлайди. Бундай ташаббус кўрсатаётганлар сафи кенгаймоқда.

Президентимиз мустақилликнинг 22 йиллиги муносабати билан ўтган тантанали маросимда сўзлаган табрик нутқида таъкидлаганидек, биз бугун эркин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси тобора ўсиб бораётган, ўз келажагини, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур этаётган халқмиз. Биз бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилишдек олий мақсадни ўз олдимизга қўйдик ва бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч қайтара олмайди.

Маҳаллаларда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаёт, ободлик, фаровонликни кузатиб, Юртбошимизнинг куюнчаклик билан халқимизнинг бугуни ва келажагини кўзлаб билдирган фикрлари кундалик ҳаётимизда ўз ифодасини топаётганидан беҳад фахрланамиз. Бундай ғурур ҳар бир юртдошимиз қалбида туғён ураётгани аниқ.

**Қувондик ОРТИҚОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Ҳазорасп тумани бўлинмаси раиси.**

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# МАҲСУЛОТ СИФАТИ ХАРИДОРЛАР ЭЪТИБОРИДА



**Навоий вилояти Қизилтепа туманида тадбиркорлик жадал ривож топиб бораётир. Хусусан, «Гумбаз» маҳалла фуқаролар йиғинида йўқни йўндирадиган, қаловини топиб, қорни ҳам ёндирадиган уддабуронлар талайгина.**

Жумладан, «Дилшод Ойбек» номли ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона бир неча йилдан буён ушбу ҳудудда фаолият юритиб келмоқда. Анвар Бобоев раҳбарлик қилаётган «Раҳим чўпчи» хусусий корхонасининг деворбоп материаллари ҳам ўзининг сифати ва ҳамёнбоплиги билан харидорлар эътиборида. Бундан ташқари, чорвачилик ва асаларичилик хўжаликларини ташкил этиб, рўзғорини обод қилаётган, маҳаллага нафи тегаётганлар талайгина.

— Ҳудудимизда тадбиркорлар кўп, — дейди «Гумбаз» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Муҳиба Ҳамидова. — Уларнинг ҳар бири тадбиркорлик фаолиятини аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, йўлга қўйган. Бугун маҳалламизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат туман, балки қўшни ҳудудларда ҳам ўз харидорига эга. Тадбиркорларнинг кўпайиши ўз навбатида аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам муҳим омил бўлаётир.

Баҳодир Норқулов ҳам маҳалла жонкуярларидан. У тадбиркорликда янгича йўналиш — оиласи билан бедана парваришлашни йўлга қўйди. Парҳезбоп гўшт ва тухумни савдога чиқариб, эл дастурхони тўкинлигига ҳисса қўшяпти.

Паррандачилик — етти хазинанинг бири, деган нақлни тўғри англаган Норқуловнинг рўзғорига шу орқали барака кирди, ҳовли-жойи обод бўлди. Паррандачиликка қизиқиши ортидан бедана боқишга ҳам қўл урди. Бухородан 100 дона бедана палапонини келтириб, парваришлай бошлади. Улар 40 кундан сўнг тухумга киради. Бедана гўштига харидор чиқиб, парранда сони камайса, эпчил тадбиркор дарҳол ўрнини тўлдиради. Шу боис айни пайтда кунига 100 бош беданадан тўлиқ 100 дона тухум оляпти.

— Битта бедана тухуми ўртача 250 сўм, кунлик даромадимиз 25 минг сўм, соф фойда ҳам чакки эмас, — дейди уй бекаси Феруза Бозорова. — Уч нафар фарзандимиз бор, улар ҳам паррандачиликка меҳр қўйишган, дарсдан бўш вақтларида бизга ёрдамлашади. Беданаларни кўпайтириш учун жойни кенгайтирдик. Бухородан қўшимча келтирган 200 палапоннинг бари яхши ўсяпти. Ҳадемай улар ҳам тухумга киради. Яқинда инкубатор сотиб оламиз.

Маҳаллада бу каби оилавий тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда. Айниқса, фуқаролар йиғини ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия бу борада самарали ишларни амалга оширмоқда. Жорий йилда унинг ёрдами билан 4 нафар коллеж битирувчиси ўз бизнесини йўлга қўйди.

— Банкдан кредит олиб, «Юлдуз» хусусий корхонасини ишга туширдим, — дейди ёш тадбиркор Юлдуз Чориева. — Айни пайтда корхонамизда беш нафар тенгдошим иш билан банд. Аҳоли буюртмалари асосида аёллар ва эркаклар кийим-кечаклари, кўрпа-ёстиқ жилдлари ҳамда замонавий пардалар тикяпмиз.

Ёш тадбиркор Гулзода Соҳибова ҳам тикувчилик цехини очиб, зардўзи, каштали ва патдўзи кийим-кечаклар ишлаб чиқармоқда. Яқинда иш бошлаган яна бир тадбиркор — Саттор Эргашев банкдан кредит олишига амалий ёрдам кўрсатгани учун комиссиядан мамнун. Шунингдек, Нурали Очилов ҳам маҳалла тавсияси билан кредит олди ва ўз бизнесини йўлга қўйди.

«Гумбаз» маҳалласидаги тадбиркорларнинг ғайрат ва шижоатидан руҳланган йиғин фаоллари маҳалла қошида «Асил пойабзал» кичик корхонасини ташкил этишди. Бу ерда тайёрланган эркаклар ва ўғил болаларнинг оёқ кийимлари харидоргир. Айни пайтда ушбу корхонада 4 киши иш билан банд.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллада тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда ва бу турмуш ободлигини кафолатлаётир.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

# Шакар ишлаб чиқариш ҳажми ортади

*Ангренда сингапурлик ва австриялик сармоядорлар ҳамкорлигида бошлаб юборилган шакар заводи қурилиши 2014 йилнинг иккинчи ярмига қадар ниҳоясига етказилади.*




Айни пайтда бу ерда 500 нафарга яқин киши бунёдкорлик билан банд.

Корхонага Германиядан энг илғор технологик линиялар келтирилиб ўрнатилади. Келгуси йил якунигача эса, дастлабки маҳсулот истеъмолга чиқарилиши мўлжалланган.

Умумий қиймати 108,5 миллион АҚШ долларилик лойиҳанинг тўлиқ амалга оширилиши натижасида кунига 1000 тонна шакар ишлаб чиқарилади. Корхонага яқин ҳудудда яшайдиган 200 нафар киши иш билан таъминланади.

— — — — — — — — — — — — —

# Сунъий қопламалар

*Мамлакатимизда спорт турларининг тобора оммалашиб бораётгани иқтисодиётимиз ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётир.*

Жумладан, «Жиззах» махсус индустриал зонасида ишга тушириш режалаштирилаётган яна бир янги корхона маҳсулотлари спортсеварлар учун муносиб совға бўлиши тайин.

Гап шундаки, 2015 йил охиригача бу ерда сунъий майса ва қопламалар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади. Ҳозиргача, асосан, хориждан келтирилаётган бундай чимларнинг энди юртимизда тайёрланиши салмоқли маблағни тежаш имконини беради. Қопламалардан футбол, гольф майдонлари ва теннис кортларини таъмирлаш, болалар майдончалари, кўргазма-мажмуалар, боғ ва уйолди ҳудудлар ҳамда бошқа жойларда фойдаланиш мумкин.

Лойиҳанинг умумий қиймати 2 миллион АҚШ долларига тенг. Унинг 900 мингги технологик ускуналарни сотиб олиш учун йўналтирилади. 30 кишини иш билан таъминлайдиган корхонада йилига 2,3 миллион АҚШ долларилик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Мухбиримиз.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

# Хайрли мақсадларга сафарбар бўлиб...

**Мамлакатимизда оилавий бизнесни йўлга қўяётганлар сафи кенгайиб бормоқда. Бухоро шаҳар «Зарафшон» маҳалласида истиқомат қилувчи Алишер Холиқов ҳам улардан бири.**

Тадбиркор жорий йилнинг март ойида Миллий банкнинг Бухоро бўлинмасидан икки юз миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, аҳолига сифатли нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона ташкил қилди. Замонавий ишлаб чиқариш ускуналари — энг илғор технологиялар юқори сифатда, тўлиқ компьютер назоратида бошқарилади.

— Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик бизнесни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш» дастури тадбиркорлик фаолиятимизни йўлга қўйишда имкониятлар эшигини очди, — дейди «Холиқов Алишер Амонович Кашфиёт» масъулияти чекланган жамияти раҳбари А.Холиқов. — Аҳолининг талаб-истакларини чуқур ўрганиб, бизнес лойиҳамизни амалга оширдик. Янги технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган нон ва қандолат маҳсулотларига талаб кун сайин ортиб бормоқда. Ҳудудимиздаги савдо корхоналаридан кўплаб буюртмалар тушаётгани боис ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Мижозларга кунига бир тонна нон, 480 кг. қандолат маҳсулотлари етказиб беряпмиз.

Корхонанинг ташкил қилиниши, фаолиятини ривожланишида зарафшонлик фаолларнинг ҳам ҳиссаси катта.

— Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллани бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир, — дейди «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Камола Ваҳобова. — Ҳудудимизда мана шундай корхоналарнинг ташкил қилиниши турмуш маданияти ҳамда аҳоли бандлигининг ошишига кўмаклашяпти. Мазкур корхона аҳоли эҳтиёжини қондириш баробарида, 18 нафардан зиёд кишини доимий иш билан таъминлади. Бу ерда айни пайтда «Бухородонмаҳсулоти» корхонаси билан ҳамкорликда 2 турдаги нон, 6 хил кулча ва 20 хилдаги қандолат маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Махсус мутахассис маҳсулот сифатини мунтазам назорат ва таҳлил қилиб бормоқда. Бу эса истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялашга хизмат қилади.

Тадбиркорнинг келгуси режалари янада улкан. У янаги йили қуйилтирилган сут ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, қўшимча 40 та иш ўрни яратиш ниятида.

Бир сўз билан айтганда, юрт тинчлиги, эл фаровонлигини кўзлаб, кучғайратини хайрли мақсадларга сафарбар этаётган Алишер Холиқов каби тадбиркорлар борлиги маҳаллий бозор талабларини қондириш ҳамда харидорлар учун маҳсулотлар танловининг кенгайишига хизмат қилаётир.

Зебинисо ҲАЙИТОВА
«Mahalla»



ҚАРОР ВА ИЖРО

# ФИРМА НОМИ: ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

**Танишларимдан бири тадбиркорликка қўл уриб, очаётган янги корхонасига ном қўйишга келганда анча ўйланиб қолди. Бошқаларга маслаҳат солди. Турли хил фикрлар билдирилди. Айниқса, тилшунос дўстимизнинг сўзлари тадбиркорни ҳушёр торттирди: «Корхона номи — жамоанинг, маҳсулотнинг юзи ҳисобланади. Шу боис ном танлаганда фарзандингизга исм қўйгандек, маъноси ва жарангдорлигига эътибор қаратинг».**

Дарҳақиқат, ўз бизнесини бошлаётганлар учун корхонасига ном қўйиш — масъулиятли вазифа. Айни пайтда мамлакатимизда 300 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти борлигини ҳисобга олсак, бир-бирини такрорламайдиган, янги номларни топиш ҳам осон эмас, албатта.

Фирмаларга ном қўйиш жараёнини енгиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунига мос бўлишини таъминлаш мақсадида номлар захирасини яратиш ишининг йўлга қўйилгани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 12 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Қарорга кўра, тадбиркорларга кўмаклашиш мақсадида интернет тармоғида фирма номларининг захира базаси яратилди. Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасини юритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилмоқда. 2013 йил 1 октябргача мазкур қўмита томонидан 137 мингдан ортиқ фирма номи захирага олингани иш фаолиятини бошлаётган тадбиркорлик субъектлари учун улкан қулайликдир. Жорий йилнинг ўтган даврида очилган 30 мингдан ортиқ янги тадбиркорлик субъектининг номи барча талабларга бемалол жавоб бера олади.

— Бундан ўн йиллар аввал фирма номи тўғрисидаги маълумотномани олиш истагидаги тадбиркорлар бевосита давлат статистика органларига келиб, ариза ёзгач, масала уч иш кунида кўриб чиқилар эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Статистика регистрларини юритиш ва тизимли хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Ойбек Равшанов. — Соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётгани самарасида бугунги кунда фирма номини захирага олиш борйўғи 4 соат ичида амалга оширилмоқда. Ариза бериш, захирага қўйиш жараёнида, энг аввало, танланган фирма номининг тўғри ёзилиши, менталитетимизга мос бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорларнинг иш юритиши анча такомиллашди: тажриба ошиб, ўзига хос маданият шаклланди. Тадбиркор энди ўз маҳсулотини ички ва ташқи бозорда қандай реклама қилишни яхши билади. Дунё билан бўйлашаётган тадбиркорларимиз ўз корхонасига қизиқарли, эсда қоладиган, эътиборни тортадиган фирма номларини танлашга интилмоқда.

Фаолияти юксалиб, экспортга маҳсулот чиқараётган фермер ўзига маъқул фирма номи ёки чиройли савдо бренди танлаб, қайта рўйхатдан ўтиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Бунинг қийин жойи йўқ. Таъсис ҳужжатлари қайта рўйхатдан ўтказилса, фирма ёки хўжалик ўзининг янги, замонавий номига эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, корхонанинг юридик номи бошқа бўлса-да, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун алоҳида бренд — савдо белгиси танлаш имконияти ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилда қабул қилинган «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги қонуни товар белгиларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ва Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофаза қилинишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Қадимда ҳам ҳунармандларимиз ўз товарларига махсус тамғалар билан белги қўйишган. Харидор ана шу тамғалар туфайли ўзига таниш, юқори нуфузга эга устанинг маҳсулотини бошқалардан ажрата олган. Бугунги кунда товар белгиларидан дунёда кенг фойдаланилади. Товар белгиларидан маҳсулот ва хизмат тақдим этувчилар, яъни ишлаб чиқарувчилар, дистрибьюторлар, чакана ва улгуржи савдо ходимлари, истеъмолчилар, давлат органлари бирдек манфаатдор.

Бугунги кунда тадбиркорлар товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлигига тегишли талабнома тақдим этгач, мазкур бренд қонунчиликка мувофиқ муҳофаза қилинишига оид белгилар рўйхатдан ўтказилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, одоб-ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган, ўзида давлат герби, байроғи ва давлат мукофотлари суратини акс эттирувчи белгилар, давлатнинг расмий номи, халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари, мамлакатимизда қўлланиладиган давлат хизматларининг фарқли ва тафовутли тасвирлари, бошқалардан фарқлаш қобилиятига эга бўлмаган белгилар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди

— Товар белгиси — буюмга қўйиладиган махсус белги ёки ўзига хос ўров шакли бўлиб, бир ишлаб чиқарувчининг товар ва хизматларини бошқа ишлаб чиқарувчининг худди шундай товар ва хизматларидан фарқлашга хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлиги ўқув маркази директори Феруза Эргашева. — Ишлаб чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматларни маркировка қиладиган товар белгилари — ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчини боғловчи муҳим бўғиндир. Бренд эгаси товар белгиси ёнига «R» ёки ® кўринишидаги белгини қўллагани — бу юртимизда рўйхатдан ўтказилганини билдиради.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ: ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР



< [1]

— Назорат-таҳлил давомида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам ўрганилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ишчи гуруҳ аъзоси Барчиной Машарипова. — Давлат дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент ҳамда Жиззах вилояти ҳокимларининг қарорлари асосида ҳудудий дастурлар қабул қилинган. Улардаги алоҳида бўлим фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, йиғинларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида маҳаллаларнинг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғинларининг эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудлар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида тегишли ташкилотлар билан изчил ҳамкорлиги яхши самара беряпти. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллалар кўмагида тижорат банклари томонидан 2013 йилнинг биринчи ярмида уй-рўзғор буюмларини харид қилиш мақсадида 770 та ёш оилага 3330,0 млн. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилган. 79 та кам таъминланган оила фарзандларининг никоҳ тўйларини ўтказишда ёрдам берилган.

Тошкент вилояти фуқаролар йиғинлари томонидан ҳам кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусан, эҳтиёжманд хонадонлар фарзандларини бепул ўқув дарсликлари билан таъминлаш бўйича ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор хайрли ишлар амалга оширилган. Жорий йилнинг учинчи чорагида 83800 нафар ўқувчи бепул дарслик ва қўлланмалар, 42123 та оила фарзандлари қишки кийим билан таъминланган.

Жорий йилнинг етти ойида Зангиота туманида 8 та, Янгийўл туманида 5 та, Қибрай туманида 6 та, Олмалиқ шаҳрида 4 та болалар майдончаси таъмирланиб, фойдаланишга топширилган.

Жиззах вилояти маҳалла фаоллари ҳудудларни ободонлаштириш борасидаги ишларни намунали йўлга қўйишган. Жиззах шаҳридаги биргина «Тинчлик» маҳалласининг ўзида фуқаролар йиғини фаоллари ва ҳудуддаги тадбиркорлар ташаббуси билан С.Каримов кўчасининг 850 метр масофаси тўлиқ асфальтланди. Ҳудуддаги қаровсиз ерда спорт майдончаси барпо этилди.

Ишчи гуруҳ томонидан жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлиги, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам ўрганилди.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддаси ижросини таъминлаш бўйича фуқаролар йиғинлари қошида «Маслаҳат марказлари»ни ташкил қилиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 12 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган бўлиб, улардан 223 таси ҳунармандчилик, 163 таси эса оилавий корхонадир.

Фуқаролар йиғинлари фаоллари мазкур қонун ҳамда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиқиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз бизнес лойиҳалари асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишларида амалий ёрдам беришмоқда. Натижада фуқаролар йиғинлари фаоллари кўмагида 433 нафар коллеж битирувчиси банклардан 2 млрд. 382 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида иш билан таъминланган 15695 нафар фуқародан 6243 нафарини хотин-қизлар ташкил этган. Бу жараёнда фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия аъзоларининг ҳам фаол иштироки эътирофга лойиқ.

Тошкент вилоятида эса 59,2 мингта янги иш ўрни ташкил этилган. 5024 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчисидан 1704 нафари корхона ва ташкилотларга ишга жойлашишида маҳаллалар ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳамкорлигида ташкил этилган 62 та бўш иш ўринлари ярмаркаси асқотган.

Банклардан тадбиркорлик субъектларига 17,4 млрд., шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка 6,8 млрд., қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қорамол боқиш учун 3,8 млрд. ҳамда коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 6,8 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилишида маҳалла фаолларининг кўмагига таянилгани қувонарли ҳолдир.

Жиззах вилоятида 34 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиб, уларда 1982 та корхона, ташкилот ва муассаса ўзларининг 4637 та бўш иш ўрни билан қатнашган. Мазкур ярмаркаларда иш билан банд бўлмаган 7002 нафар фуқаро иштирок этиб, улардан 2504 нафарига ишга жойлашиш, 51 нафарига касбий тайёргарлик учун йўлланмалар берилган.

2012-2013 ўқув йилида вилоятдаги 75 та касб-ҳунар коллежини 66 та мутахассислик бўйича 18288 нафар ўқувчи тамомлаб, улардан 7596 нафари ишга жойлаштирилган. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги 1074 нафар йигит-қизга тижорат банклари томонидан 4242,7 млн. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Фуқаролар йиғинлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, йиғинлар фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳудудлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилгани назорат-таҳлил жараёнида маълум бўлди.

Ҳисоботларда ҳудудлар аҳолиси фаол иштирок этиб, ўзларини ўйлантираётган масалалар, шу жумладан, кузқиш мавсумига тайёргарлик борасидаги муаммоларни ўртага ташлаганлар. Мансабдор шахсларнинг амалий ёрдами туфайли фуқаролар мурожаатининг аксарияти ўз вақтида қаноатлантирилган.

Ишчи гуруҳ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги фуқаролар йиғинларининг хизмат бинолари, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларнинг ҳолати ҳам ўрганилди.

Қорақалпоғистон Республикасида 401 та фуқаролар йиғини хизмат биноларига эга. 389 таси компьютер жамланмаси, 255 таси мебель жиҳозлари билан таъминланган. Қолган йиғинларни компьютер жамланмаси ва мебель жиҳозлари билан таъминлаш ишлари изчил олиб борилмоқда. Фуқаролар йиғинлари balансида бўлган биноларни капитал таъмирлаш ишларига «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан 69,93 млн. сўм, ҳомийлар томонидан 7,6 млн. сўм маблағ сарфланган.

Тошкент вилоятидаги 1165 та фуқаролар йиғинининг 893 таси компьютер жамланмаси, 493 таси янги мебель жиҳозлари билан таъминланган.

Жиззах вилоятида 121 та фуқаролар йиғини ўз биносига эга. 305 та фуқаролар йиғинининг 195 таси компьютер жамланмаси, 148 таси мебель жиҳозлари билан таъминланган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Жиззах вилоятларида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, айрим камчиликларга йўл қўйилгани ҳамда ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, фаолияти ўрганилган фуқаролар йиғинларининг аксариятида ҳужжатларнинг тартибсиз юритилаётгани, масъул котибларнинг ўз вазифаларини билмаслиги ёки унга масъулият билан ёндашмаслиги аён бўлди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг 11- ва 12-моддаларида ҳар чоракда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ҳамда Тафтиш комиссияси раислари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисининг ҳисоботларини эшитиш лозимлиги белгиланган. Бироқ фаолияти ўрганилган баъзи фуқаролар йиғинларида бу борада умуман иш ташкил этилмаган.

Ишчи гуруҳ аъзолари ўрганишлар натижасида аниқланган хато ва камчиликлар таҳлили ҳамда жойларда ўтказилган мулоқотларда билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ижроси самарадорлигини янада ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент ва Жиззах вилоятлари Кенгаши, туман ва шаҳарлар ҳокимликларига бир неча тавсиялар беришди.

Хусусан, маҳалла тизимига оид янги таҳрирдаги қонунларнинг ижросини тўлиқ таъминлашда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини оширишга оид масалаларни Жўқорғи Кенгес, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг сессиялари ҳамда тегишли комиссиялар йиғилишларида мунтазам тинглаб бориш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий бинолар билан таъминлашга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўладиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларга яқиндан ёрдам бериш лозим.

Шунингдек, ишчи гуруҳ томонидан фуқаролар йиғинлари ходимларига маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, бандликни таъминлаш, «Маслаҳат марказлари» фаолиятини қонун талаблари асосида ташкил этиш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар фаолиятини янги таҳрирдаги қонун талаблари асосида қайта ташкил этиш, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериш каби зарур тавсиялар берилди.

Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

# МАРКАЗ ҲАР СОҲАДА ЁРДАМГА ҲОЗИР



**Ҳозирги кунда фуқаролар йиғинлари ҳудудда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, аҳолини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, турли ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик асосида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.**

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қабул қилиш ташаббуси айни шу жиҳатдан долзарб ва устувор вазифалар сирасига киради.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги «Бошлиқ» маҳалла фуқаролар йиғини ижтимоий шериклик йўналиши ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётир. Айниқса, туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида самарали ижтимоий шериклик алоқалари ўрнатилгани туфайли 7,7 минг нафардан зиёд аҳолининг деярли барчаси иш билан таъминланган.

Йиғин биносига кираверишда тумандаги мавжуд бўш иш ўринлари рўйхатининг илингани эътиборимизни тортди. Иш излаган киши уни яхшилаб кўздан кечириб, ўзига маъқул меҳнат турини танлаши мумкин. Фуқаронинг ишга жойлашиб олишида эса яна маҳалла фаоллари ёрдамга ҳозир.

— Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимлари тавсияси билан тадбиркорларимиз кўмагида «Уддабурон бегойим» ўқув марказини ташкил қилдик, — дейди «Бошлиқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилобар Шоқодирова. — Ҳозир бу ерда 11 та йўналиш, жумладан, тикувчилик, ҳамширалик, пазандалик, қандолатчилик каби касб-ҳунарлар билан бирга, инглиз тилини ўргатиш ва компьютер саводхонлиги ҳам йўлга қўйилган. Натижада ўз соҳасини пухта эгаллаган ёшларимиз ишга жойлашишда қийналишмаяпти.

Бундан ташқари, ўқув курсини тамомлаган йигит-қизларнинг аксарияти шахсий маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ҳам ташкил этмоқда. «Бошлиқ»да уларнинг интилиши доимо қўллаб-қувватланиб, имтиёзли кредит олишларига кўмаклашилаётир.

Қолаверса, жорий йилда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 59 нафар ёшнинг 37 нафари доимий иш билан таъминланди. 12 нафар битирувчи олий ўқув юрти талабасига айланган бўлса, бошқалари ҳам келгуси йил таҳсилни давом эттириш учун фан тўгаракларига қатнамоқда.

— Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришда марказимиз ва «Бошлиқ» маҳалла фуқаролар йиғини ходимларининг ҳудуддаги 56 та давлат ва нодавлат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлиги қўл келди, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Шоҳрух Муҳаммедов. — Айниқса, Вагон таъмирлаш заводи, «Олтин дон» очиқ акциядорлик жамияти, «Султон» ресторани ва бошқа муассасалар кўплаб битирувчиларни ўз бағрига олди. Бунда маҳалла фаолларининг ташаббускорлигини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим.

«Бошлиқ» маҳалласида бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаларини ўтказиш анъана тусини олган. Баъзи фуқаролар иш берувчилар билан шу ернинг ўзидаёқ шартнома тузаётганлари ушбу тадбирларнинг аҳамиятини кучайтирмоқда. Шунингдек, унда кўпгина корхона ва ташкилотлар ўз маҳсулотларини реклама қилиши, таништириши, истеъмолчилар билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаб олиши келгуси ижтимоий шериклик муносабатларига замин ҳозирлайди.

Умида УЗОҚОВА
«Mahalla»

ФОНД КЎМАГИДА

# ЭЪТИБОРДАН ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

**Фурқат туманидаги «Навбаҳор» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Алишер Жўраев ота-онасидан эрта айрилди. Лекин қариндош-уруғ, маҳалла аҳлининг меҳри туфайли ҳаётда қоқилмади, кўнгли ўксимади.**

Йигитинг билимга чанқоқлигини ҳисобга олган яқинлари унга хайрихоҳ бўлишди. Натижада Алишер Фарғона политехника институтига тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинди. Бундан барча хурсандлигига қарамай, унинг ўқиш учун шартнома пулларини тўлашга имконияти йўқ эди. Бундан хабар топган фуқаролар йиғини фаоллари ёрдам бериш чораларини кўрди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмасига мурожаат қилишди. Мутасаддилар йигитнинг оилавий аҳволини ўрганиб чиққач, ўқув-шартнома пули ва бошқа харажатларни Фонд ҳисобидан тўлаб беришди. Бундай ғамхўрлик ва эътибордан миннатдор Алишер ҳозир институтда қунт билан билим олмоқда.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд фуқароларга турли хайрия ёрдамлари кўрсатилмоқда. Натижада муҳтожлар сони камайиб, оилалар турмуши яхшиланмоқда.

Бу борада «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими ҳамда шаҳар ва туман бўлинмалари томонидан қатор ибратли ишлар амалга оширилаётир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Фонднинг вилоят бўлими кўмагида олий ўқув юртига ўқишга кирган ўн нафарга яқин чин етим талабанинг шартнома пуллари тўлаб берилди.

— Фаолиятимизда бундай савобли ишлардан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими бошқаруви раиси Акрамжон Йўлбарсов. — Айниқса, ёз мавсумида кам таъминланган болалар, Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари учун спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил қилиниб, 120 нафардан зиёд ўғил-қизнинг бепул дам олишига кўмаклашилди. Айни пайтда ҳудудимиздаги таълим муассасаларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш, ёлғиз кексалар, боқувчини йўқотган оилаларнинг хонадонларини таъмирлаш ишлари авжида.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги кам таъминланган фуқароларга ҳуқуқий-иқтисодий маслаҳат, ташкилий ёрдам кўрсатиш ишлари намунали тарзда йўлга қўйилмоқда. Бўлим ва бўлинмалар томонидан ижтимоий аҳамиятга эга бизнес лойиҳалар қўллаб-қувватланиб, уларга амалий кўмак берилаётир. Яқинда Фонд саъй-ҳаракати билан Фарғона туманида истиқомат қилувчи З.Аринтевага тикувчилик цехи очиш учун 3 миллион, Қўштепа туманида яшовчи Д.Солиевага шахсий клиника очиш учун 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маҳалла идорасини таъмирлаш тадбирлари доирасида ҳам Фонд томонидан кўрсатилаётган амалий ишлар салмоғи ортаётир. Айни кунгача фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг 140 тасига компьютер жамланмаси, 71 тасига мебель жиҳозлари тарқатилди. Шунингдек, 137 та фуқаролар йиғини биноси жорий ва капитал таъмирланди, 7 та янги бино фойдаланишга топширилди.

Бир сўз билан айтганда, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди аҳолини ва фуқаролар йиғинларини ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаётир.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА КИМЛАР ИШЛАЙДИ?

# МАСЪУЛИЯТ — ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТНИ ОШИРАДИ

**Холидахон Жумаева Тошкент шаҳар Юнусобод тумани «Дўстлик» маҳалласининг масъул котиби. Унинг жонкуярлиги, фидокорона меҳнатларидан барча мамнун.**

Қайноқ қалбли бу аёл ҳужжатлар билан ишлашдаги моҳирлигидан ташқари, ҳудуддаги ободонлаштириш ишларида ҳам фаол. Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан ушбу йиғинни «намунали маҳалла», дея эътироф этилишида унинг алоҳида ҳиссаси бор.

— Холида Жумаева йиғин ҳужжатларини юритиш, моддий ёрдам, ижтимоий нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартибини тизимли йўлга қўйишда катта тажриба тўплаган, — дейди «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси аъзоси Аҳад Шокиров. — Йиғинда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, бир кишига моддий ёрдам тайинланган, шунингдек, 3 нафар фуқарога икки ёшгача, 2 тасига 14 ёшгача бола парвариши бўйича нафақа пуллари тўланяпти. Бундан кўриниб турибдики, ҳудудда кам таъминланган оилалар сонининг қисқараётгани ҳам у олиб бораётган тушунтириш ишларининг самарасидир.

Х.Жумаева ўзининг ташаббускорлигини намоён этиб, йиғинда «Оила фаровонлиги йўлида», «Расамадли рўзғор — қут-барака гарови» мавзуларида суҳбатлар, маҳалланинг моҳир чеварларини жалб этиб, ҳафтада икки марта кам таъминланган оила хотин-қизлари учун бепул машғулотларни йўлга қўйган.

— Баъзи оилалардаги муаммо моддий етишмовчиликдан юзага келади, — дейди Холида опа. — Оилалар тинчлиги эса маҳалланинг осойишталигини таъминлайди. Шундай экан, аввало, биз фуқаролар йиғини фаоллари бу каби масалаларнинг олдини олишимиз даркор. Ҳозирги кунда йиғинимизда ночор оилалар деярли йўқ, кам таъминланган хонадонларга эса ҳамиша ёрдам қўлини чўзиб келмоқдамиз. Уларнинг аксарияти жисмоний имконияти чекланган, ёлғиз инсонлардир. Меҳнат қилишга лаёқатли ҳар бир фуқаро иш билан таъминланган.

Маҳаллада ташкил этилган сўлим боғ, фаввора ва айвонлар киши баҳридилини очади. Унга яқин болалар майдончаси кичкинтойлар, ёшлар ихтиёрида. Ички йўллар тўлиқ асфальтланган, ноқонуний қурилмалар ўрнига автотураргоҳлар барпо қилинган. Бу ишларда йиғин фаоллари билан биргаликда Х.Жумаеванинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини кўпчилик яхши билади.

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА.

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

# ТАРБИЯНИНГ ТАЪСИРЧАН УЧ МУҲИМ БЎҒИНИ



ЎзА сурати.

< [1]

— «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги тизимли йўлга қўйилган, — дейди Бахмал туманидаги Муғол қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 45-умумтаълим мактаби директори Узоқбой Алманов. — Фуқаролар йиғини раиси, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, фаоллар, бошқаларга намунали бўла оладиган ота-оналар, мактабимизнинг тажрибали педагогларидан иборат йигирма кишилик кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Ёшларни тўғри тарбиялашга йўналтирилган кўрик-танловлар, мусобақалар, беллашувлар, учрашувлар, турли байрам ва тантаналарни ўтказиб келяпмиз.

Ёшларнинг маънан ва жисмонан баркамол инсонлар бўлиб етишиши, аввало, тарбияга, қолаверса, ота-онанинг саводхонлик даражасига боғлиқ. Инсоннинг кундалик ҳаётда, ишда, ўқишда, кўчада, турли тадбирларда ўзини тўғри тутиши айнан оилада шаклланади.

— Халқимиз азалдан болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради, — дейди Муғол қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нурмуҳаммад Аҳмедов. — Албатта, фарзанднинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ота-онанинг бурчи. Аммо беш бармоқ баробар бўлмаганидек, эл орасида боқувчисини йўқотган, жисмоний имконияти чекланган, кам таъминланган оилалар бор. Ҳудудимиздаги учта мактабда ҳамкорлик кенгашлари фаолиятида бу масалага жиддий эътибор қаратилаётир. Давлатимиз томонидан ўқувчилар учун ажратилаётган бепул дарслик, ўқув қуроллари, қишки кийимлар тасдиқланган рўйхат асосида эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларига тарқатилмоқда. Бу йил ҳудудимиздаги умумтаълим мактабларининг 143 нафар ўқувчиси дарсликлар ва 12 турдаги ўқув қуроллари билан таъминланди. Фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия томонидан кам таъминланган оилаларнинг мактабда ўқийдиган фарзандлари рўйхати шакллантирилиб, ҳамкорлик кенгашларига топширилди.

Халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалиб бораётгани кам таъминланган оилаларнинг ҳам йил сайин камайишига олиб келаётир. Шу боис ушбу рўйхат ўтган йилгидан бирмунча қисқарган. Яқин кунларда ҳудудимиздаги мактабларнинг 135 нафар ўқувчисига қишки кийимлар олиб берилади.

— Таълим муассасаларига яқин ҳудудларда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг сотилишига чек қўйишга эришилди, — дейди 10-умумтаълим мактаби жамоатчилик кенгаши аъзоси Гулсора Эргашева. — Мактабда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасида уч томонлама эътибор муҳим аҳамият касб этаётир. Ҳамкорлик кенгаши аъзолари ўқувчилар давоматини яхшилаш билан боғлиқ масалаларни иш режа асосида ўрганиб чиқиб, йиғилишларда муҳокама этиб боришмоқда. Шунинг баробарида «Ота-оналар университети» фаолиятини кучайтиришга амалий кўмак берилаётир.

Вилоятдаги 548 та умумтаълим мактаби ҳамда 79 та касб-ҳунар коллежида маҳалла фаоллари, ота-оналар, таълим муассасаларининг тажрибали ходимлари, маҳалла ҳудудида жойлашган турли ташкилотлар вакилларидан иборат ҳамкорлик кенгашлари фаолият кўрсатаётир. Улар ўзларининг йиллик иш режалари асосида таълим-тарбия ишини яхшилашга йўналтирилган тадбирлар, маҳалла аҳлини бирлаштирувчи, уларни соғлом турмуш тарзига етакловчи кўрик-танловлар, мусобақалар ўтказишда фаол иштирок этишмоқда.

— Таълим муассасаларининг «оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини такомиллаштириш «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар, туман бўлинмаларининг доимий эътиборида, — дейди фонднинг вилоят бўлими раиси ўринбосари Узоқбой Рисқулов. — Фонд бўлинмалари вилоят, шаҳар, туман жамоат кенгашлари билан ҳамкорликда йилнинг ўтган даврида ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ва ёшлар билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга доир «Мутахассислик — сенинг келажагинг», «Тўғри танланган касб — оила фаровонлиги асоси», «Оила — муқаддас қўрғон» мавзуларида давра суҳбати ва учрашувлар ташкил қилишди. Шунингдек, таълим муассасаларининг ҳамкорлик кенгашлари маҳалла фаоллари иштирокида «Маҳалладан бошланур Ватан», «Меҳрдан яшнар кўнгил» шиори остидаги туркум маънавий-маърифий тадбирларни уюштирмоқдалар. Кенгашлар фаолиятида кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг таълим-тарбия олишига кўмаклашиш, уларни давлат органлари, ҳомий ташкилотлар кўмагида моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда «оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик тизимининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани буюк келажак учун қўйилган пойдеворнинг нақадар мустаҳкамлигидан далолатдир.

Бек НАЗАР
«Mahalla»

МАСЛАҲАТЧИ ФАОЛИЯТИДАН

# ИЗЛАНИШЛАР ОРТИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

**Олмазор туманидаги «Эски шаҳар» маҳалла фуқаролар йиғинида аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, хонадонлардаги маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказиш йўлида олиб борилаётган ибратли ишларда йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Иноят Абдусоатованинг ҳиссаси беқиёс.**



Маҳалладаги кексаю ёш унинг учун бирдек қадрдон, фаолиятидаги ҳар бир кун ҳудуд аҳолисининг қувончу ташвишига йўғрилган. Юртбошимизнинг 2013 йил 24 июлдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Иноят Абдусоатованинг меҳнат фаолияти юқори баҳоланиб, у «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. Ушбу мукофот юртимизнинг энг улуғ айёми — Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида маслаҳатчининг «Эски шаҳар» фуқаролар йиғинидаги 22 йиллик меҳнати учун муносиб рағбат бўлди.

Қаҳрамонимизнинг ушбу маҳаллага келин бўлиб тушганига 50 йил тўлди. Шу вақт давомида 6 фарзандни вояга етказиш билан бирга, қарийб ярим аср оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилди. Маҳалла тизимидаги фаолиятини йиғин ҳузуридаги Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия раислигидан бошлаган. 2007 йилдан буён эса фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Маҳаллада 6 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг тенг ярмини аёллар ташкил этади. Жорий йилнинг шу даврига қадар маҳалламизда бирор-бир жиноят ёки ажрим қайд этилмади. Албатта, бунда маслаҳатчи И.Абдусоатованинг ҳиссаси бор. Нотинч ва ноқобил оилаларда ижобий, соғлом муҳитни қарор топтиришда у кишининг амалий тажрибаси асқотяпти. Опа кундалик иш режа асосида бир кунда камида бешта хонадондан хабар олади, йўл-йўлакай улардаги мавжуд камчиликларни ечимини топишга ҳаракат қилади. Шу бугунгача ажрашиш учун ариза берган учта оилани яраштиришда ҳам маслаҳатчининг хизматини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. У киши доим изланишда ва ҳаракатдалиги билан барчага ўрнак.

Дарҳақиқат, маслаҳатчининг оилалар мустаҳкамлиги, хотин-қизлар бандлиги, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлари бугунги кунда ўз натижасини бермоқда.

— Маҳалламизни спортчилар маҳалласи, деб атаса ҳам бўлади, — дейди И.Абдусоатова. — Чунки ҳудудимизда каттаю кичик спорт билан шуғулланади. Зеро, спортга ошно болалар соғлом ва маънан етук бўлиши билан бирга, ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олди олинади. Маҳалламиз қошида кураш залини ташкил этиш ташаббуси билан чиққанимда кўпчилик унинг фаолиятига ишонқирамаганди. Аммо маҳалладошлар билан бунинг уддасидан чиқдик. Ҳозирда ушбу залда 270 нафар ўғил-қиз кураш ҳамда каратэ билан шуғулланмоқда. Уларга юртимиздаги таниқли мураббийлар сабоқ беришаётир. Ҳудудимиздаги 1-умумтаълим мактаби қошида эса футбол тўгараги ташкил этганмиз. Маҳалламиздан чиқаётган чемпионлар сони йилдан-йилга ошаётир. «Эски шаҳар фахрийлари» футбол жамоаси ҳам етти йилдан буён ўзининг ўйинлари билан танилиб қолди.

Маслаҳатчининг маҳалласи учун қилаётган ишларининг чегараси йўқ. У доим изланишда. Унинг ташаббуси билан «Ораста келин», «Пазанда бека», «Аҳил оила», «Энг яхши кўча» сингари кўрик-танловлар ва бошқа турли маънавий-маърифий тадбирлар ҳам тез-тез ўтказиб келинади.

И.Абдусоатова 22 йилдан буён эл фаровонлиги ва юрт равнақи йўлида тиним билмайди. Юртимизда Иноят опа сингари фидойи инсонлар бор экан, Ватанимиз ободу осойишта бўлиши тайин.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

# Шартномани ўзгартириш мумкин

САВОЛ:

*— Никоҳ шартномасини бекор қилиш ёки унга ўзгартириш киритиш мумкинми?*

О. ДИЛШОДОВ.

ЖАВОБ:

— Албатта. Оила кодексининг 32-моддасида белгиланганидек, никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шу шаклда амалга оширилади.

Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талаби билан Фуқаролик кодексида белгиланган асослар ва тартиб орқали суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилади ёки бекор қилинади.

Никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб, шартноманинг амал қилиши ҳам ниҳоясига етади. Никоҳ шартномасида никоҳ тугатилганидан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно этиб белгиланган.

Шукрулло АКБАРОВ,
Тошкент шаҳар
Ҳамза тумани
1-сонли ДНИ
катта нотариуси.

ЗАРДЎЗЛИК

# САБРУ ҚАНОАТДАН НАҚШУ НАФОСАТ ЯРАТИБ...

**Ургут тумани азалдан ўзининг зардўзлик маҳсулотлари билан машҳур. Зардўзликни санъат асари, дея эътироф этилиши ҳам бежизга эмас.**

Чеварликдаги энг қийин услуб саналмиш зардўзлик кишининг сабр-қаноати ва гўзалликка бўлган нафосатини чиғириқдан ўтказади, десак муболаға бўлмайди. Юртимизда яратилаётган зардўзлик маҳсулотлари нафақат ўзимизда, балки хорижда ҳам харидоргирлиги билан машҳур.

«Ғўслик» маҳалла фуқаролар йиғинида 10 йилдан буён масъул котиб вазифасида ишлаб келаётган Тожиой Ражабованинг зар ипак ёрдамида безатган маҳсулотларининг харидори кўп. Асли касби ҳамшира бўлган бу аёл 40 йиллардирки, зардўзлик ортидан рўзғорига қўшимча даромад олиб киради. У илк бора оқ зар ипдан фойдаланишни зардўзликка олиб кирганида кўпчилик буни ҳаммага манзур бўлишидан шубҳаланганди. Оқ зар нақшлар устида кўз нурини, меҳрини, ғайратини аямади. Меҳнати бесамар кетмади: оқиш товланиб, минг бир жило сочаётган зардўзи безаклар мижозлар эътиборини тортди. Бугунги кунга келиб эса оқ зар ип билан безатилган зардўзлик маҳсулотларидан фойдаланиш мамлакатимизнинг барча ҳудудларида урфга кирди.

Зардўзликнинг энг нозик услубида ижод қилаётган Т.Ражабованинг зар тўн, дўппи, рўмолча, халат, камзул, елпиғич, ковуш, бешик ёпқичлар ва болалар либосларининг ҳар бирида такрорланмас гўзаллик акс этиб туради. Ҳунарманд қўл меҳнати ёрдамида яратиладиган бундай санъат асарларини ёшларга ўргатиш учун маҳалла идораси қошида бепул тўгарак ташкил қилган. Қувонарлиси, унинг ўнлаб шогирдлари устози изидан бориб, бугунги кунда мустақил фаолият бошлашган.

Юртимизда авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган ҳунарлар кўп. Аммо уларни ёшларга тўлалигича ўргатиш ва такомиллаштириш машаққатли иш. Т.Ражабова бу борада кўпчиликка ўрнак. Айни пайтда унинг шогирдлари нуфузли танловларда иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаётгани замирида ҳам шубҳасиз, ана шу бой тажриба ва маҳорат мужассам.

Мухбиримиз.



АНЖУМАН

# ОИЛАНИ АСРАШ — МУҚАДДАС БУРЧ

**Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган. Жумладан, истиқлол йилларида бу борада 50 га яқин қонун, Президентимизнинг 20 га яқин фармон, қарор ва фармойишлари, ҳукуматнинг 70 дан ортиқ қарори қабул қилинди.**

Пойтахтимизда «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган «Оилани асраш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз» мавзусидаги давра суҳбатида ҳам оиланинг мустаҳкамлигини асраш, маҳаллада соғлом муҳит яратиш, бу борадаги ишларнинг самараси юзасидан атрофлича сўз юритилди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Адлия вазирлиги, «Оила» илмий-амалий маркази, ҳуқуқ-тартибот идоралари, диний ташкилотлар вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, маданият ва санъат намояндалари иштирокидаги мазкур тадбирда Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Айни вақтда мамлакатимизда 30 миллиондан кўпроқ аҳоли, 5,5 миллион оила мавжуд. Оилалар сони кўпайиб бораётган бир пайтда ёшлар ўртасида турли арзимас сабаблар билан никоҳнинг бекор қилиниши ҳолатлари ҳам учраётгани афсусланарлидир. Бу, аввало, ёшлардан, уларнинг ота-оналари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаолларидан оиланинг жамиятдаги нуфузини оширишдаги бурч ва масъулиятини теран англашни талаб этади. Тадбирда бу борада фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда маҳаллалардаги Яраштириш комиссиялари, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини янада кучайтириш, коллеж ва лицейларда ёшлар билан суҳбатлар ташкил этиш, бунда тегишли ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Дилдора ҚАРШИБОЕВА
«Mahalla»

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК

# ИЖОБИЙ САМАРАЛАР РАҚАМЛАРДА НАМОЁН

**Олтинкўл туманида 150 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шундан 76 мингини аёллар ташкил этади. Жорий йилнинг ўтган даврида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси ташаббуси билан 37 минг нафардан ортиқ хотин-қиз тиббий кўрикдан ўтказилиб, касаллиги аниқланганларнинг барчаси тегишли тартибда даволанишига амалий ёрдам кўрсатилди.**

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси билан давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ўртасида юқумли касалликлар тарқалиши ҳамда профилактикаси бўйича ўзаро келишув имзоланган. Унга кўра, фуқаролар йиғинлари ўз ҳудудлари доирасида санитария-тозалов, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини мунтазам равишда олиб бормоқдалар. Бундан ташқари, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш чораларини кўрадилар. Шунингдек, асосий эътибор тиббий маданият тарғиботига қаратилган.

— Мана шундай тадбирлар натижасида бу йил аҳоли ўртасида ўта хавфли бўлган юқумли касалликлар учрамади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Зиёвуддин Қаҳҳоров. — Жамоатчи назоратчилар ҳамда фуқаролар йиғинлари қошидаги комиссиялар ёрдамида соҳа ходимлари билан ҳамкорликда 138 маротаба профилактика ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, комиссиялар ва маҳалла фаоллари томонидан 8 та даволаш муассасасида шифокорларнинг бевосита аҳоли хонадонларида бўлиш жадваллари ўрганилган. Юқумли касалликлар кўпайиши мумкин бўлган жойларда ўз вақтида эпидемиологик текширувлар олиб борилганлиги ҳамда тиббий кузатув натижалари қай даражада таҳлил қилинганлиги жиддий муҳокама этилган.

Ўтган давр мобайнида аҳолини профилактик эмлаш учун етарли миқдорда вакциналар тарқатилди. Куз фаслида кўпайиши эҳтимоли бўлган гепатит хасталигига қарши кураш бўйича маҳалла фаоллари, шифокорлар, санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари иштирокида кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Гижжа ҳамда бошқа юқумли касалликларни олдини олиш мақсадида мактабгача таълим муассасаларидаги 325 нафар тарбияланувчи ва умумтаълим мактабларининг 1-синфига қабул қилинган 2562 нафар ўқувчи кўрикдан ўтказилди.

— Биз асосий эътиборни оналар саломатлигига қаратяпмиз, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Султонова. — Ҳар бир ҳомиладор аёл назоратга олинган. Соғломлаштириш соҳасидаги тадбирлар изчил амалга оширилаётгани туфайли нохуш ҳолатлар кескин камайди. Ҳозирга қадар болалар ўлими ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 тага, аёллар ногиронлиги ҳам шунчага камайди. Оналар ўлими кузатилмади.

Олтинкўл туманида аҳоли зич яшайди. Бундай ҳудудда юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш ўта оғир ва мураккаб вазифадир. Шунга қарамай, айнан шу соҳада ижобий ўзгаришлар кўзга ташланяпти. Туманнинг Маслаҳат, Қўштепасарой, Жалабек, Кўмакай, Сувюлдуз каби қишлоқ фуқаролар йиғинларида оналар ва болалар саломатлигини сақлаш бўйича яхши натижаларга эришилди.

Буларнинг барчаси «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг тиббиёт муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорлиги самарасидир.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

# ЯНГИ МЕЪЁР ЯНГИ ИШ ЎРНИГА КАФОЛАТ

**Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ аҳоли бандлигини таъминлаш борасида мустаҳкам қонунчилик базаси яратишга киришилди.**

Айни пайтгача такомиллаштирилаётган соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар турмуш ободлигига муносиб ҳисса қўшаётир. Бош Қонунимизда ҳам ушбу меъёрлар ўз аксини топган. Конституциянинг 37-моддасида, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамланган.

Бундан ташқари, Меҳнат кодекси ҳамда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонундаги бандлик даражасини ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи меъёрлар фуқароларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қонун талаби асосида ҳар йили ишлаб чиқиладиган Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланиб, унинг ижроси бўйича назорат-таҳлил ишлари олиб борилаётир.

Кейинги йиллардаги натижалар айрим ҳудудларда янги корхоналарни ишга тушириш, кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари яратишда бир қатор камчиликлар мавжудлигини, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди.

Айни шу мақсадлар яқинда кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонунда ҳам ўз ифодасини топди. Унга асосан «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун нормаларига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қонуннинг 2-моддаси янги таҳрирдаги мазмунига кўра, ёлланиб ишлаётган, ишни ҳақ эвазига тўлиқсиз иш вақтида ёки уйда бажараётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, вақтинчалик ишга эга бўлганлар эндиликда иш билан таъминланган ҳисобланадилар. Қолаверса, бетоблиги ёки таътил, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш даврида ҳам ушбу меъёр амалга ошади. Ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилгани муносабати билан, шунингдек, ходимнинг иш жойи қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаганлар, ҳақ тўланадиган лавозимга сайланган ёки тайинланганлар, ўзини иш билан мустақил таъминлаётган, шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар ва ҳунармандлар, оилавий корхоналар иштирокчилари, деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари, фермерлар учун ушбу меъёр сақланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, шу жумладан, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати қўшинларида ва уларнинг органларида хизматдаги, шунингдек, муқобил хизматни ўтаётган, ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошираётган нодавлат нотижорат ҳамда диний ташкилотларда ишлаётган фуқаролар ҳам иш билан таъминланган саналишади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг маҳаллий органларининг иш билан таъминлаш соҳасидаги ваколатларига қўшимча киритилди. Амалдаги қонуннинг 17-моддасида қайд этилган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги ваколатлари доираси кенгайтирилди. Эндиликда улар томонидан касаначилик, ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ва олий ўқув юртларининг битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳам қамраб олинади.

Янги таҳрирдаги қўшимчага кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини яратишга доир қарорларини бажармаганлик учун, шунингдек, аввал талабнома берилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим олган ёки касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишга юборилганларни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда корхона, муассаса ва ташкилотлар мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Шу билан бирга ишсиз тегишли нафақани олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органига иш ёки касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака оширишга йўлланма олиш учун мурожаат қилиши шартлиги қонуннинг янги таҳрирдаги тааллуқли моддасида ўз ифодасини топди.

Бундай қўшимча ва ўзгартишлар иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган аҳоли муайян тоифаларининг мақомини белгилашнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлайди, иш билан таъминланмаган ва иш қидираётганларни тўла ва объектив равишда аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 25 октябрда «2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури»нинг лойиҳаси Парламент депутатлари эътиборига ҳавола этилди. Прогноз параметрлари ва йўналишлари қабул қилинган қонунга асосан ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ, 2011-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастури доирасида иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда инвестиция дастурларини амалга ошириш асосида аҳоли бандлигининг, шу жумладан, иқтисодиётнинг замонавий индустриал тармоқларида бандликни ўстириш чоралари кўрилади. Янги иш ўринлари ташкил этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли янада оширилади.

Дастур лойиҳасида 2014 йилда 983,6 мингта иш ўринлари ташкил этилиши кўзда тутилган. Уни амалга ошириш жараёнида ўрта махсус таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. 2014 йилда, Дастур параметрларига мувофиқ, янги яратиладиган, мавжуд бўш (вакант) ва захира қилинадиган (квота) иш ўринларига касб-ҳунар коллежларининг 500 минг нафарга яқин битирувчиларини ишга жойлаштириш мўлжалланмоқда.

Шу мақсадда ҳар бир туман ва шаҳар бўйича махсус комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни амалга оширишда манфаатдор вазирликлар, идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар иштироки таъминланади.

Ишсизлик даражаси ва даромад қидириб чет элга чиқаётган фуқаролар сони юқори бўлган 32 та олис ҳудудда жойлашган, тоғ, чегара туманларига алоҳида эътибор қаратилади ва ушбу минтақаларда 2014 йилда 145 мингтадан кам бўлмаган ёки умумий кўрсаткичнинг 15 фоиз миқдорида иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда.

Хулоса шуки, оила тинчлиги ва ободлиги ундаги тўкисликка, фаровонликка асосланади. Бу борадаги сиёсатнинг устувор йўналиши оиланинг меҳнатга яроқли аъзоларини фойдали иш билан таъминлаш, келажак авлодни оила бюджети маблағларини мақсадли сарфлашга ўргатиш ва уларни тадбиркорлик руҳида тарбиялашга қаратилгани билан ҳам эътиборга моликдир.

Ибодатхон ЙЎЛДОШЕВА,
Шоира ҲАЙДАРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

# ҲАМЖИҲАТЛИК — ТИНЧ-ОСУДА ҲАЁТ ГАРОВИ



**Тинчлик, хотиржамлик ва осойишталикни таъминлашда ички ишлар идораларининг ўрни ва аҳамияти катта. Айниқса, профилактика инспекторларининг фаол саъй-ҳаракати боис юртимизда барқарор вазият ҳукм сурмоқда. Хусусан, уларнинг муайян ҳудудда маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатгани кутилган самараларни бераётир.**

Жойларда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш биргина ички ишлар органлари ходимларининг иши эмаслиги, бунинг учун ҳар бир фуқаро ҳисса қўшиши зарурлигини англаб етаётган юртдошларимиз инспекторларга чин маънода кўмакдош бўлмоқдалар. Эндиликда профилактика инспектори билан қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, маҳалла посбони, Хотин-қизлар билан ишлаш ва Яраштириш комиссиялари аъзолари, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳамда бошқа фаоллар ҳамжиҳатлиги янада кучайган.

Аслида ҳам фуқаролар йиғини раиси билан профилактика инспекторининг фаолиятини айро тасаввур этиб бўлмайди. Чунки улар маҳалладаги оилавий муаммоларни ҳал этиш, жиноятчилик, вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларга кўмаклашиш, аҳоли ўртасида тарғибот тадбирларини олиб боришдек кенг қамровли ишларни биргаликда амалга оширмоқдалар. Айниқса, тунги гуруҳ фаолияти айрим нопок кимсаларнинг ғараз ниятларидан тийилишида, қатор нохуш ҳолатларнинг олдини олишда муҳим омил бўлаётир.

Обод турмуш йилида оилалардаги тотувлик ва соғлом муҳитни қарор топтиришга жиддий эътибор қаратиляпти. Бу борада фуқаролар йиғини фаоллари, профилактика инспекторлари ҳамда республикамиздаги барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида иш олиб бораётган 9 мингга яқин Яраштириш комиссиясининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Ҳудудлардаги осойишталикни таъминлаш ҳақида гап кетганида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзоларининг муносиб хатти-ҳаракатларини ҳам таъкидлаш жоиз. Айни пайтда мамлакатимизда 8 ярим мингга яқин ана шундай тузилма фаолият юритмоқда. Уларнинг сидқидилдан ишлаётгани боис, шу давргача 6195 та жиноят аниқланди. Кўплаб нохушликларнинг олди олинди. Юртимизда жорий йилнинг ўтган даврида 3835 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмаганининг ўзиёқ посбонлар ва ички ишлар идоралари ўртасидаги самарали ҳамкорликдан далолатдир. Ватан тинчлиги, юртдошлар хавфсизлиги йўлида курашиш учун тузилмага аъзо бўлиб, фаолиятда ибрат кўрсатган шижоатли йигитлардан 312 нафари бугунги кунда ички ишлар органлари сафига қабул қилинди.

Ҳар бир маҳаллада йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси профилактика инспектори билан биргаликда мунтазам равишда ҳудуддаги нотинч оилаларда, вояга етмаганлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораётирлар. Бундай тадбирлар таълим муассасаларида ҳам ташкил этилаётгани жиноятчиликнинг олдини олиш, оила муқаддаслиги ва ёшларда ватанпарварлик туйғуларининг кучайишига замин ҳозирлаяпти. Тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида учрашувларга маҳалланинг обрў-эътиборли, бой ҳаётий тажрибага эга нуронийлари ҳам таклиф этиляпти. Диний экстремизм оқимига мансуб шахслар билан профилактик суҳбатларда ҳам ушбу ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга.

Ёшлар — бизнинг келажагимиз. «Ўқувчи», «Давомат» ва «Ўсмир» каби тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши ёшларимизни турли ёт ғоялар ва оқимлар таъсиридан сақлаб қолишда, жиноят кўчасига қадам босишининг олдини олишда қўл келмоқда. Бундан ташқари, «Ёшлар гиёҳвандликка қарши», «Келажагимиз ёшлар қўлида» ва «Ёшлар турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмасин» мавзусидаги учрашув, давра суҳбатлари доимий ўтказиб келинмоқда.

Вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими ва бошқа вазирликлар билан биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ҳам таҳсинга сазовор. Бу ҳамкорлик доирасида милиция таянч пунктлари инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида, МТПлар атрофида спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари ҳамда махсус спорт заллари ташкил этилиб, ёшларнинг спорт турлари билан мунтазам шуғулланишларига замин яратилмоқда.

Бугунги кунда республикамиз миқёсида милиция таянч пунктлари инфратузилмаси тубдан яхшиланиб, замонавий кўринишга келтирилмоқда. Уларнинг 87 фоизи маҳалла фуқаролар йиғини идораси билан бир бинода жойлашган. Бу эса ечимини кутаётган масала, муаммоларнинг ҳамжиҳатликда ҳал этилишига замин яратаётир.

Улуғбек ТУЙМАБОЕВ,
ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси матбуот котиби, подполковник.

НОТАРИАЛ ҲАРАКАТ

# ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ ҲИМОЯСИ




**Истиқлол йилларида миллий қонунчилигимизда аҳоли манфаатларини муҳофазалашнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар такомиллаштирилди. Бунда илғор халқаро тажрибалардан ҳам кенг фойдаланилаётгани демократик тамойилларга асосланган эркин фуқаролик жамияти барпо этишда мустаҳкам пойдевор бўлаётир.**

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш борасида ҳам бундай ўзгаришларни кузатиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг жорий йил 30 сентябрдаги буйруғи билан Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қатор муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, эндиликда нотариуслар соҳага оид фаолиятда аудио, видео ва фото қурилмалардан фойдаланишлари мумкин. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахслар бу ҳақда огоҳлантирилади. Ушбу имконият амалга оширилган нотариал ҳаракатларни тасдиқлашнинг яна бир далили бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, юқоридаги йўриқномага киритилган ўзгартиришга кўра, эндиликда ипотека шартномасини тасдиқлаш учун кадастр ҳужжатлари йиғмажилди ва давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси талаб этилмайди. Муқаддам белгиланган «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномасини тақдим қилишга доир талаб эса ўз кучида қолган.

Кундалик ҳаётимизда васиятномалар билан боғлиқ нотариал ҳаракатларга эҳтиёж бирмунча юқори. Йўриқномада акс этган янгиликлар бундай масалаларга ҳам тааллуқлидир. Қонун ҳужжатларига кўра, васият қилувчининг илтимосига биноан васиятномани тасдиқлашда гувоҳлар иштирок этиши мумкин. Ўзгартиришга асосан, нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс, васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар, саводсиз бўлган шахслар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар, ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланганлар бу ишда гувоҳ бўлишлари мумкин эмас.

Таъкидлаш лозимки, йўриқномада ушбу шахслар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмаслиги олдиндан белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, эндиликда нотариус кўчмас мулк ва автомототранспорт воситасини тасарруф этиш ҳуқуқи билан берилган ишончнома бекор қилинган тақдирда, унинг бекор қилингани ҳақида мулк рўйхатдан ўтказилган жойдаги тақиқ ва хатлов базасини юритувчи давлат нотариал идорасига ва ишончли вакилга зудлик билан хабар бериши лозим.

Хулоса қилиш мумкинки, нотариат институтини ривожлантириш, бу борадаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришдан кўзланган асосий мақсад, аввало, фуқаролар манфаатини ҳуқуқий ҳимоялаш, юртимизда демократик принципларга риоя этилишини таъминлашдан иборатдир.

Ойбек ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

## Фойда — иштирокчиларники

САВОЛ:

*— Оилавий корхона томонидан қандай солиқлар тўланади? Илтимос, шу хусусда маълумот берсангиз.*

Ж.МИРМУҲАМЕДОВ.
Яккабоғ тумани.

ЖАВОБ:

— «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра оилавий корхона томонидан ягона солиқ тўлови тўланади. Бунда солиқ солиш объекти бўлиб ялпи тушум, солиқ даври бўлиб календарь йил ҳисобланади. Ягона солиқ ставкаси 6 фоиз этиб белгиланган. Умумий овқатланиш корхоналари учун эса 10 фоизни, умумий ўрта, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида фаолият юритадиган корхоналар учун 8 фоизни ташкил қилади. Бунда чакана савдо корхоналари учун аҳолиси 100 минг ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида 4 фоиз, бошқа аҳоли пунктларида 2 фоиз, тоғли ҳудудларида эса 1 фоиз этиб белгиланган.

Шунингдек, оилавий корхона томонидан ижтимоий фондларга меҳнат ҳақи фондининг 25 фоизи миқдорида ягона ижтимоий тўлов тўланади. Оилавий корхонанинг кўрсатиб ўтилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдаси унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

Оилавий корхона кичик тадбиркорлик субъекти сифатида солиқ ҳисоботини соддалаштирилган тартибда ҳар чоракда топширади. Статистик ҳисобот эса йил якуни бўйича юритилади.

О.ҲАКИМОВ,
ҳуқуқшунос.

ТАРАДДУД

# МАВСУМ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТАДИ

**Ҳадемай аёзнинг изғирин шамоли эшик қоқади. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда аҳолининг мавсумни кўнгилдагидек ўтказишлари учун зарур шарт-шароит яратишга кўмаклашиб келмоқда.**

Бу борада «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Зангиота тумани бўлинмаси ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

— Ҳудудимизда 2013-2014 йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш юзасидан туман ҳокимининг қарори қабул қилинди, — дейди Фонднинг туман бўлинмаси раиси Ғофир Соипов. — Шу асосда ишчи гуруҳ тузилиб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, туманимиздаги ижтимоий соҳа объектлари, хусусан, 41 та умумтаълим мактаби капитал, 7 таси жорий таъмирдан чиқарилиб, 24 таси реконструкция қилинди. Шунингдек, жами таълим биноларининг том қисмларида 1073 дона шифер, 1590 кв.м. юмшоқ тўшамали қоплама, 2026 кв.м. ойналар, 105 дона дераза, 86 дона эшик алмаштирилди, 2248 метр иссиқлик қувурлари изоляция қилинди.

Айтиш жоизки, ҳудудда коммунал соҳа объектлари бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилган бўлиб, мавжуд 19 та қозондан 14 таси таъмирланди. Умумий ҳисобда узунлиги 62,5 км. ичимлик, 43,4 км.ни ташкил этадиган оқова сув қувурлари ва 4,2 км. иссиқлик тармоғи таъмирланди. Қолаверса, 71,6 млн. сўм маблағ сарфланиб, 10 км. узунликдаги янги сув қувури тортилди.

Шунингдек, тиббиёт муассасаларида жами 412 метрли иссиқлик, сув ва газ қувурлари янгиланиб, 215 кв.м. том шиферлари алмаштирилди. Ижтимоий объектларда амалга оширилаётган бу ишлар аҳолининг саломатлигига хизмат қилади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмасининг ҳудуддаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда 139 та кўп қаватли уйни полизол қоплама билан таъминлашдаги кўмагидан аҳоли мамнун. Шунингдек, бу каби тадбирларга кўп қаватли уйларда табиий газ қувурларининг тўлиқ равишда таъмирланганини ҳам киритиш мумкин.

Бундан ташқари, бўлинма фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини жалб этган ҳолда, аҳоли янги кўчиб ўтган хонадонларни табиий газ билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, Кўксарой қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Гулзор ва Розиқов номидаги кўчаларга газ қувурлари тортилиб, 2 та газ тақсимлагич ўрнатилди. Бундай ишлар Қизғалдоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Мирзабоев номидаги кўчада ҳам амалга оширилди.

— Навбатдаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш юзасидан бўлинма ёрдамида 20 та трансформатор мукаммал таъмирланиб, 5 та қўшимча трансформатор ишга туширилди, — дейди тумандаги «Халимкоп» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х.Анваров. — Маҳалламизда трансформаторлар кўнгилдагидек ишлаб турибди. Барча хонадонлар электр қуввати билан таъминланган.

Ўзгариш қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Белариқ», Чувалачи қишлоғидаги «Ширин», «Қорасарой» маҳалласида юқори қувватли трансформаторлар ишга туширилгани ҳам аҳолининг мавсумни кўнгилдагидек ўтказишига замин ҳозирлайди.

Иброҳим БЕК
«Mahalla»

ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

# МАШҒУЛОТЛАР БЕСАМАР КЕТМАЯПТИ




**Иброҳим Раҳматов номли қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги «Маллаҳовуз» маҳалласи Наманган туманидаги энг намунали фуқаролар йиғинидан бири ҳисобланади.**

Хусусан, кейинги икки-уч йил ичида бу ерда оилавий ажримлари сони кескин камайиб, ноқобил ва нотинч оилалар рўйхати ҳам қисқараётир. Бунда фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган турли комиссиялар, айниқса, «Ота-оналар университети» фаолиятининг изчил йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

— «Ота-оналар университети» таркибига маҳалланинг кайвони отахон ва онахонлари, намунали оила соҳиблари, зиёлилар жамланган, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мусаллам Алиқулова. — Бугунги кунда унга тажрибали педагоглар ҳамда психологларни кенг жалб этганимиз ҳам кутилган натижани бермоқда. Айниқса, узоқ йиллар давомида ёш авлод таълим-тарбияси йўлида самарали меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган Абдулла Қодиров, Обидахон Абдуллаева, Малоҳат Усмонова каби нафақадаги педагоглар ўз тажрибалари билан ўртоқлашиш, университет машғулотларини янада жонли, ҳаётий мисоллар асосида ташкил этишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шу боис унинг ҳар бир йиғилишида кўтарилган масала ижобий ечим топиб, самараси кўринаётир.

Жорий йилнинг ўтган даврида университет томонидан 20 дан ортиқ турли йиғин ва муҳокама, учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказилди. Натижада маҳаллада оилалар мустаҳкамлиги таъминланиб, ўзаро аҳил-иноқлик янада кучаймоқда. Айниқса, фарзанд тарбияси, оиладаги ўзаро муносабатлар, хусусан, қайнона-келин, овсинлар ўртасидаги алоқалар, ота-она ибрати йўналишидаги панд-насиҳатлар, ўгитлар бесамар кетмаяпти.

Таъкидлаш жоизки, университет томонидан аниқ режа-дастур асосида ҳафтада икки марта турли мавзуларга ва долзарб масалаларга бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Айниқса, қайнона-келин, овсинлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, фарзанд тарбиясига оид давра суҳбатлари ва учрашувларда ҳудуддаги нотинч, ноқобил оилалалар вакиллари қамраб олинаётгани яхши самара бераётир. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллада оилавий жанжал ва ажримлар, қўни-қўшнилар орасидаги можаролар, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар деярли қайд этилмади.

Университетнинг фаол аъзоси Ваҳобжон Мадалиев катта ҳаётий тажрибага эга, шахсий ибрати билан маҳаллада ҳурмат-эътибор қозонган. Бу инсон оила муқаддаслиги, уни асраб-авайлаш, фарзандлар камоли йўлида эътибор қаратиш лозим бўлган масалаларда кўпчиликка ўрнак бўлиб келмоқда.

— Аниқ мисол келтирсак, исми-шарифини эшитгач, айрим оила соҳиблари хафа бўлиши мумкин, — дея таъкидлади у киши. — Лекин шу йилнинг ўзида ўнга яқин оила бошлиқларини тартибга чақирдик. Айниқса, доимий жанжалкаш, спиртли ичимлик ичишга ружу қўйган, боласи тарбиясига эътиборсизлик қилаётган ёш оталар билан тушунтириш ишлари олиб борилгач, уларда ижобий ўзгаришлар кузатилди. Маҳалла юмуши, оилалар мустаҳкамлиги учун биз катталар беминнат хизматга доим тайёрмиз.

Қарийб тўрт минг юз нафар аҳолиси бор, тўққиз юздан ортиқ оиладан иборат «Маллаҳовуз» маҳалласидан қайтар эканмиз, кўча-кўйда дилдан ширин суҳбат қуриб ўтирган қўни-қўшни, оқсоқол ва кайвони онахонларни кўриб, ҳавасимиз ортди. Зеро, тинчлик-осудалик барқарор, одамлари ўзаро иноқ, ҳамжиҳат, оилалари мустаҳкам гўшанинг файзи ҳам ўзгача.

Умида ОРИПОВА.
Наманган вилояти.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

# КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ



**Фасллар алмашинуви билан мавсумий хасталиклар авж олади. Ана шундай касалликлардан бири грипп ва юқори нафас йўлларининг ўткир шамоллашидир.**

У тез юқиши ва оғир оқибатларга олиб келиши билан хавфли. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика Давлат санитария эпидемиология назорати бош врачи ўринбосари Ғофур Тожибоев бу хусусда қуйидагиларни гапириб берди.

Грипп ўткир ва тез юқувчан касаллик ҳисобланади. Уни майда, кўзга кўринмайдиган, ҳатто фильтрдан ҳам ўтувчи вируслар чақиради. Касаллик чақирувчи вируслар турлича — А, В, С, деб номланади. Касалликнинг асосий манбаи — грипп билан оғриган беморлар ёки вирус ташувчилар ҳисобланади. Грипп, асосан, иммунитети паст кишиларда тез ривожланади. Унга бадан, айниқса, бош ва оёқдан совуқ ўтиши сабаб бўлади. Бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда сўлак томчилари билан ҳавога грипп вирусларини тарқатади. Натижада, уч соатгача сақланиб туриш хусусиятига эга вирус соғлом одамга тезда юқади. Касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлгунга қадар бир неча соатдан 3 кунгача вақт ўтиши мумкин. Касаллик кўрсаткичларини мавсумий кўтарилиши асосан, йилнинг ноябрь — март ойларига тўғри келади. Касаллик тўсатдан, ўткир тарзда бошланади. Қаттиқ бош оғриши, айниқса, бош айланиши, мадорсизлик, мушаклардаги оғриқ, нафас сиқиши унинг дастлабки белгилари ҳисобланади. Касалликнинг биринчи соатлариданоқ тана увишади, ҳарорат 38-40 даражагача кўтарилади ва бу ҳам 2-5 кун давом этади.

Касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлиши билан тезда шифокорга мурожаат қилиш лозим. Йўқса, касаллик кўнгилсиз ҳолатларга олиб келиши ва оғир асоратларни келтириб чиқариши мумкин.

Ушбу касаллик билан курашиш тиббиётда икки йўналишда олиб борилмоқда. Биринчиси, организмнинг касалликка қарши курашиш хусусиятини ошириш мақсадида аҳолини профилактик эмлаш, яъни вакцинопрофилактика. Иккинчиси, инсон ўзини касалликдан муҳофаза қилиши, яъни танани чиниқтириши, бадантарбия билан мунтазам шуғулланиб, ўз вақтида овқатланишга ва мавсумга хос кийинишга алоҳида аҳамият бериши лозим. Шунингдек, кўпроқ очиқ ҳавода юриш, совуқ кунларда иссиқ кийиниш, айниқса, бош ва оёқни иссиқ тутиш муҳимдир. Гриппнинг олдини олиш учун муассасалар, ўқув юртлари, корхоналар, мактаблар, боғчалар ва аҳоли яшаш жойларида барча хоналарнинг иссиқлик ҳарорати 17-18 даражадан паст бўлмаслиги лозим. Асосий эътиборни касалланиш хавфи юқори бўлган тиббиёт, таълим муассасалари, ёпиқ турдаги савдо ва коммунал маиший объектлари ҳамда умумий овқатланиш масканларига қаратилиши нохуш эпидемик вазиятни юзага келишининг олдини олади. Шунингдек, юз ниқобларидан фойдаланиш ва уларни ҳар тўрт соатда алмаштириш, хона буюмларини зарарсизлантирувчи дезинфекция воситалари билан намли докада артиш ва исириқ тутатиб, хоналарни тез-тез шамоллатиб турилиши касаллик қўзғатувчи вируслар сонини 85-90 фоизгача камайтиради.

Грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекция (ЎРВИ) билан оғриган барча беморлар иситма даврида, албатта, ётиши ва шифокорни уйига чақириши лозим. Агар бемор уй шароитида даволанса, унга алоҳида хона, идиш, сочиқ, ўрин-кўрпа ажратилиб, кам ҳаракат қилиши тавсия этилади. Беморга қараётганлар бурун ва оғизларини докали ниқоб билан тўсишлари ва қўлларини тез-тез совунлаб, ювиб туришлари керак. Бемор ётган хонани зарарсизлантирувчи моддалар билан тозалаш лозим. Унинг ҳарорати ошган пайтда кўпроқ суюқлик — қуруқ мевалар қайнатмаси, шарбат ичиш ҳамда осон ҳазм бўладиган оқсил ва витаминларга бой таомларни истеъмол қилиш тавсия этилади.

Грипп касаллигини ўзбошимчалик билан даволаб бўлмайди. Акс ҳолда, кўнгилсиз ҳолатлар юз бериши мумкин. Дорилардан касалликнинг биринчи куни интерферон, ремантадин, аскорбин кислота тавсия этилади. Грипп асоратсиз ўтиши учун антибиотик ва сульфаниламидлардан фойдаланмаслик мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, грипп касаллигига қарши курашишда, фуқаролар йиғинлари фаоллари ва оилавий поликлиникалар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб борилиши, яъни профилактика катта аҳамиятга эга.

Касаллик қандай бўлишидан қатъи назар, инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлигига жиддий путур етказади. Шу боис масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, доим эҳтиёт бўлайлик. Унутманг, касалликни даволагандан кўра, олдини олган афзал.

Нилуфар ЮНУСОВА
ёзиб олди.

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

# Маҳаллий шароитга кўниккан паррандалар

**Бухоро туманида истиқомат қилувчи Мубин Маҳкамов яқинда бир янгиликка қўл урди. У хонадонидаги чоғроққина товуқхонада африка туяқуши ва япон беданаларини парваришлай бошлади.**



— Ўтган йили пойтахтимизда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркасида иштирок этиб, астойдил қизиққаним боис, бир жуфт туяқуш сотиб олгандим, — дейди М.Маҳкамов. — Шу давр ичида уларнинг маҳаллий шароитимизга қандай мослашишини ўргандим. Бугун туяқушлар сони 30 тага етди. Бу жонзот касалликка жуда чидамли. Ўз вақтида эмлаш чоралари кўрилса, зарур озуқалар билан таъминланса, бас, кутилганидан ҳам зиёд натижаларни берар экан.

Туяқушлар парваришини бошлаётганда айрим кишилар уларнинг иссиқсеварлигини рўкач қилиб, қорли-қировли қишдан омон чиқиши даргумонлигини «башорат» қилишди. Аммо тадбиркор умидсизланмади. Шу боис сидқидилдан киришган ишида муваффақият қозонди. Йирик жониворлар 30 даража совуққа ҳам бардошли чиқди.

Дарвоқе, қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деганларидек, М.Маҳкамов бедана ва туяқушларни маҳаллий маҳсулотлар билан озиқланишга ҳам ўргатди. Буғдой ёрмаси, дон-дун, ўт-ўланлар, турли аралашмалар асосидаги кундалик рацион қушларнинг тез ўсишида омил бўлмоқда. Парваришда тадбиркорга Бухоро агро-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини битирган ўғли Азизбек астойдил кўмаклашяпти.

— Банкдан имтиёзли кредит олиш ҳаракатидаман, — дейди Азизбек Маҳкамов. — Режаларим бисёр. Кредит маблағини замонавий ускуналар, сўнгги технологиялар билан жиҳозланган товуқхона қуришга йўналтирмоқчиман. Айни пайтда хорижий қушларни инкубатор ёрдамида кўпайтиряпмиз. Замонавий дастгоҳлар ўрнатилгач, товус ва тўтиқуш боқишни ҳам йўлга қўяман.

Япон беданалари ҳам тез кўпаяди. Улар аҳоли дастурхони учун ажойиб парҳезбоп маҳсулотдир. Қолаверса, ҳар иккала қушнинг гўштию тухумининг холестериндан холи экани диққатга сазовор.

Ёш тадбиркорнинг айтишича, у соҳага оид билимини муттасил ошириб боряпти. Бунда интернет тармоғидаги янгиликлар унга қўл келмоқда. Туяқушлар кўпайгач, у бошқа тармоқларда ҳам бизнес юритиш ниятида. Гап шундаки, туяқушларнинг пати, киприк ва кўзларидан жуда ноёб пардоз маҳсулотлари тайёрланади.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

ҲУНАРДАН УНАР

# АЗАЛИЙ АНЪАНАЛАР ЯНГИЧА АНДОЗАДА

**Юртимизда ҳунармандчиликни ривожлантириш, ёшларни касбга жалб этиш, қобилиятли йигит-қизларга амалий кўмак бериш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.**

Ушбу хайрли ташаббуслар самараси ўлароқ, кўҳна ҳунармандчилик ва амалий санъатнинг барча турлари қатори пичоқчилик ҳам қайта тикланди.

Фарғона водийсида пичоқчиликнинг Қўқон, Чуст, Шаҳрихон, Қорасув каби ўзига хос мактаблари шаклланган. Айниқса, Қўқон мактаби пичоқ тайёрлаш услуби, безатилиши, ташқи кўриниши билан ажралиб туради. Ушбу мактабнинг Исҳоқ Қосим ва уста Маҳмуд Муҳаммаджонов каби моҳир ҳунармандлари эл орасида ҳурмат-эътибор қозонишган.

Бугун қўқонлик уста Ҳасанжон Умаровнинг ижодий ишлари ўзига хослиги билан донг таратган. Ёш бўлишига қарамай, ота-боболарининг меросини, анъаналарини давом эттирмоқда. У отаси, пичоқчи уста Омонжон Умаровдан ушбу ҳунарнинг сир-асрорларини қунт билан ўрганди, амалий ишларда кўмаклашди. Ижодий изланишлар тез орада натижа берди: эл эътирофига сазовор бўлди, устозлар назарига тушди. Айни пайтда «Усто» бирлашмасида меҳнат қилаётган моҳир уста ўнлаб ёшларга пичоқ тайёрлашдан сабоқ бериб келаётир.

— Қўқон пичоқларининг бошқа шундай буюмлардан ажралиб турувчи жиҳатлари кўп, — дейди «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси Ҳасанжон Умаров. — Аввало, улар маҳаллий пўлатдан тайёрланган, ўта кескир ва бежирим безакларга бой. Пичоқ дасталарига ишлов беришда оддий ёғоч маҳсулотларидан ташқари, фил суяклари, каркидон, ёввойи эчки ва архар шохларидан фойдаланилади, ёқут, феруза ва кумуш тошлари ёпиштирилади. Шу боис мустаҳкам, эгасига узоқ вақт хизмат қилади.

Қўқонлик ёшлар томонидан тайёрланган ижодий иш намуналари халқаро кўргазмаларда нуфузли ўринларни эгаллаб келаётир. Уюшма аъзолари Қозоғистоннинг Олма-ота шаҳрида ўтказилган «Марказий Осиёнинг олтин мероси» кўргазма ярмаркасида 1-даражали диплом билан тақдирланди. Бундан ташқари, Парижда ўтказилган халқаро «NEGAISTON» танловида фахрли иккинчи ўринга лойиқ топилди.

Бугун Қўқон пичоқчилик мактабининг азалий анъаналарини янги усул ва замонавий андозалар асосида ривожлантириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Ҳасанжон Умаров сингари уста-ҳунармандларнинг бежирим ва рўзғорбоп пичоқлари юртимиз бозорларида харидоргир.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»




ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР...

# ҚАЙНОНАНИНГ ҚОТИЛИГА АЙЛАНГАН КЕЛИН

**Ўша куни Баҳрин қишлоғида катта тўй бўлди. Озода опа (исмлар ўзгартирилган) бир олам орзулар билан келинига пешвоз чиқди. Ёлғиз ўғли маҳалланинг қизлари орасидан эмас, бошқа тумандаги гўзалга кўнгил берганди.**

Энг қизиғи, ёшлар телефон орқали севишиб қолишган. Она ўғлининг саодатини ўйлаб, тўйга монелик қилмади. Аксинча, қувончга тўлиб-тошиб юртга ош берди.

Тўй қилиш осонмас, бунинг устига қизи қайтиб келган, унга уй-жой керак. Ўзига қолса-ку, келин-куёвни умуман бир-биридан узоқлаштиргиси йўқ эди. Аммо ўғли пул ишлаш мақсадида хориждаги ошна-оғайниларининг ёнига отланди. «Онажон, мен ишлаб, пул жўнатаман, сиз уларни йиғинг», дея хайрхўшлашган ўғилни кузатган она уни сўнгги бор кўраётганини билмасди.

Ўғил кетгач, келин ҳеч ким билан гаплашмас, одамови бўлиб қолганди. Она буни ўғлининг йўқлигига йўйиб, унга янада меҳрибонлик кўрсатди. Уйида қўл меҳнати асосида буюм тикиб, сотадиган она энди бозорга келинни жўната бошлади. «Ёш нарса, уйда зерикиб ўтирадими, борсин, ҳар на яйраб келади», дерди у.

Бу орада хориждаги ўғил бир-икки сўм жамғариб, жўната бошлади. Она пулларнинг тийинига тегмай йиғар, болаларининг орзу-ҳавасини кўришга ошиқарди. Келин эса ҳамон бозорга қатнар, эрининг пулларини қайнона жарақлатиб санаши унинг ғашини келтирарди. Кунлар, ойлар ўтди, йигит хориждан қайтай демас, иши яхши шекилли, она дам-бадам банкдан пул оларди.

5 минг АҚШ доллари ва 3 миллион 700 минг сўм пулни сандиғида сақлаётганини айтган қайнона келини миясида ёвуз фикрлар ғужғон ўйнаётганини қаёқдан ҳам билсин. «Эримнинг пулларига қайинопамга уй олиб бермоқчига ўхшайди», деган ўйга борган келин қабиҳ режа тузди-ю қора ниятини амалга оширди. Қайнонасининг қотилига айланди.

— Бу воқеа нафақат қишлоғимиз, балки бутун туманимиз шаънига иснод келтирди, — дейди Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Баҳрин қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ойша Суюнбекова. — Ахир, келинига бор меҳрини бериб, қизим, деб қучоқ очган қайнонанинг жонига қасд қилиш — энг оғир гуноҳ. Ушбу жиноят сабабларини таҳлил этар эканмиз, дарҳақиқат, биз фаоллар янада ҳушёрроқ бўлишимиз кераклигини англадик. Тўғри, турмуш ободлиги, оилалар мустаҳкамлиги йўлида доимо интиламиз, тарғибот юритамиз. Бироқ оилалардаги муҳитни янада теранроқ таҳлил қилиш, маҳалладошларнинг ўй-фикри билан яқиндан танишишда қанча кўп малака оширсак, шунча яхши. Бу воқеа бизга аччиқ сабоқ бўлди. Айни пайтда бор-куч ғайратимизни ишга солиб, ҳудудда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, фаровон ва обод турмуш кечириш кўникмаларини шакллантиришга интилмоқдамиз. Бу борада намунали оила соҳибларининг бой ва ҳаёт синовларидан ўтган тажрибаларини оммалаштириш мақсадида турмуш қуриш арафасидаги ёшларни тадбирларга жалб этаётирмиз.

Аждодларимиз келин олиш ёки қиз чиқаришда қуда томоннинг етти пуштигача суриштиришни одат қилишган. Бугун эса, айрим ёшлар ўз жуфти ҳалолларини гоҳ интернет тармоғидан, гоҳида «адашиб терилган рақамлар» ортидан топиб, ўйламай-нетмай, турмуш қуришаётир. Никоҳ — муқаддас, қолаверса, у ҳар кимнинг зиммасига залворли масъулият ҳам юклайди. Чунки никоҳ насллар тозалиги, давомийлиги, келажак авлод тақдирини белгиловчи аҳамиятга эга. Наҳотки, ана шундай муқаддас муносабатларга шунчалар юзаки қараш мумкин бўлса?!

Тўғри, ёшлик — қизиққонлик. Бу даврда ақлдан кўра ҳиссиёт устунлик қилади. Бироқ ҳаёт тажрибасига эга айрим ота-оналарнинг ҳам бундай ишларга бош қўшаётгани, сўраб-суриштирмай, никоҳга фотиҳа беришаётгани жуда ачинарли. Ота-она учун фарзандининг бахтидан ортиқ саодат йўқ, бироқ оила қуришда аждодлар йўлини тутиш асло зиён келтирмайди.

Телефон орқали танишиб, турмушга чиққан Нозима Тўхтаеванинг қилмиши ва аянчли тақдири кимлар учундир вақтида хулоса чиқаришга сабаб бўлса ажабмас.

ГУЛҲАЁТ.